

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

*5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш
бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти*

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата *5341000 – Архитектурно-планировочная организация
сельских территорий*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсустаълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

Расмийнашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Тошкент архитектура қурилиш институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «10» Март даги 84 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

Мундарижа

T/p		бет
1	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари	1
2	Қўлланиш соҳаси.....	2
3	Атамалар, таърифлар, қисқартмалар	3
4	Таълим йўналишининг тавсифи	3
5	<i>5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи.....</i>	4
6	Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар	4
7	Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари	17
8	Бакалавриятнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар	33
8.1	Бакалавриятнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар	33
8.2	Таълим дастурларининг татбиқ этилиши	34
8.3	Малака амалиётини ташкил этиш талаблари.....	34
8.4	Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар	35
8.5	Таълим жараёнини ўқув-услубий ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари	35
8.6	Ўқув жараёнининг моддий-техник базаси бўйича талаблар	36
9	Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш	36
10	Эслатма	37
11	Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати	37
12	Илова	38
13	Библиографик маълумотлар	39
14	Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари.....	40

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг
давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш
бакалаврият таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт направления образования
бакалавриата 5341000 – Архитектурно-планировочная организация
сельских территорий**

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan

State Educational Standards of Higher Education

**State Educational Standard on the level of bachelors of 5341000-*Architectur-
al and planning the organization of rural territories***

Амал қилиниши «15» 09 2014 йилдан
Текланмаган

1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиши бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда куйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-сонли Қарори.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
4941 son bilan
«11» 09 2014 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги “Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида”ги 302-сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 190-сонли буйруғи.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 281-сонли буйруғи.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 446-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 158-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

2. Қўлланиш соҳаси

2.1 Олий таълимнинг мазкур давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) 5341000 - *Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг асосий таълим дастурлари ўзлаштиришни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуини ифодалайди.

2.2 Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

2.3 ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур стандарда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модул – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (кўрслари)нинг маълумбир қисми;

таълим йўналиши – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган “бакалавр” академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи базавий ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўникмалар мажмуаси;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

бакалаврият - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўқиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

бакалавриятнинг таълим дастурлари (бакалаврият дастури) – ўқув фанларининг бакалаврият йўналишларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

ўқув-ўрганиш натижалари – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи;

ДТС – Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

4. Таълим йўналишининг тавсифи

4.1 5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, уни назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқиний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат (лар) берилди.

4.2 Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси

Таълим дастурининг номи	Малака (даража)	Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг таълим дастури	Бакалавр	4,5йил

5.5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

5.1 Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:

5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш – таълим йўналиши – фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш бўйича излаш, таҳлил ва тадқиқ қилиш, лойиҳалашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари мажмуасини қамраб олади.

Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш, жамоат марказларини лойиҳалаш;
- турар жой ва жамоат биноларини архитектуравий лойиҳалаш;
- транспорт, газ ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация тармоқларини жойлаштириш.

5.2 Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг объектлари:

5340100 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолияти объектлари:

- қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудуди, уларнинг жамоат марказлари;
- турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш бино ҳамда иншоотлари;
- қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини транспорт, газ ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва канализация тизимлари.

5.3 Бакалаврларнинг касбий фаолиятининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- ишлаб чиқариш;
- таъкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик.

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

5.4. Касбий мослашув имкониятлари

Бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5340100 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин **5A340101 – Бино ва иншоотлар архитектураси**, **5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш**, **5A340104 – Ландшафтлар архитектураси** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот олиб бориш мумкин.

6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

6.1.5340100 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

а) умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб

масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол гоёсига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

– тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

б) касбий талаблар:

Илмий тадқиқот фаолиятида:

– қишлоқ ҳудудларини, уларнинг жамоат марказларини, транспорт ва инженерлик коммуникациялар тизимларини лойиҳалаш учун ахборотга оид ва бошланғич маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– республика ва ҳорижда чоп этилган қишлоқ ҳудудларини лойиҳалашга оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

– намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– қишлоқ ҳудудларини, бино ва иншоотларни лойиҳалашда технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

– қишлоқ ҳудудларини, бино ва иншоотларни лойиҳалашда техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

– амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

– касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– қишлоқ ҳудудларини, бино ва иншоотларни лойиҳалашда ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– лойиҳалаш технологик жараёнларининг узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб лойиҳалаш жараёнларини назорат қилиш;
- архитектура - лойиҳавий ечимларини амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилиш ва бошқариш;
- лойиҳалаш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;
- лойиҳалаш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- намунавий лойиҳалаш жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятига эга бўлиши керак.

6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларига қўйилган талаблар

6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

6.2.2. Математик ва табiiй-илмiiй фанлар бўйича талаблар

6.2.2.1. Олий математика фани бўйича

Бакалавр:

- математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасавурларининг умумийлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
- математик таҳлил, аналитик геометрия, қизикли алгебра, комплекс ўзгарувчи функцияси назарияси, эҳтимоллик назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва услубларини;
- функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- алгебраик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
- оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқ қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;
- математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича

Бакалавр:

- ахборот, уни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш усуллари;
- компьютернинг график воситалари, график тасвирлар яратиш ва устида ишлаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- турли даражадаги дастурлаш тилларини, маълумотлар базаларини, дастурий таъминот ва дастурлаш технологиясини;

– расмларни яратиш, муҳаррирлаш ва қайта ишлашни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– дастурлаш ва ҳисоблаш техникаси ҳамда дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш;

– компьютер графикасини дастурларини чизиш ва ҳисоб-китобда қўллаш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.3. Муҳандислик геодезияси фани бўйича

Бакалавр:

– муҳандислик геодезияси фани ва унда қўрилувчи қурилишга оид масалалар;

– геодезик асбобларнинг турлари, уларнинг тузулиши ва ростланиши;

– топографик суратга олишнинг геодезик асослари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– геодезияда қўлланиладиган координатлар тизими ва турли ўлчашларни;

– турли геодезик асбобларнинг вазибалари ва улардан фойдаланишни;

– муҳандислик кидирувларида бажариладиган геодезик ишлар таркибини;

– қурилиш лойиҳаларини жойга кўчириш тартибини *билиши ва улардан*

фойдалана олиши;

– турли геодезик асбоб-ускуналарида ишлай билиш;

– геодезик ўлчашлар натижаларига ишлов бериш;

– бино ва ишоотлар ер ости ва ер усти қисми қурилишининг геодезик таъминотини таъминлаш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.2.4. Амалий механика фани бўйича

Бакалавр:

– статиканинг асосий тушунчалари, абсолют қаттиқ жисм, куч, эквивалент ва мувозанатдаги кучлар тизимлари, тенг таъсир этувчи, мувозанатловчи куч, статика аксиомалари;

– боғланишлар ва боғланиш реакциялари, текисликдаги ихтиёрый кучлар тизимининг мувозанати. Текисликдаги кучлар тизими мувозанат шартларининг уч хил кўриниши;

– фермалар стерженларидаги зўриқишларини аниқлаш;

– текис кесимларнинг геометрик характеристикалари, ички кучларни аниқлаш.

Кесиш усули, чўзилиш ва сиқилишга, силжишга, буралишга ва эгилишга ишлайдиган стерженларни мустаҳкамликка ҳисоблаш;

– кўп ораликли статик аниқ балкаларни, уч шарнирли системаларни ва статик ноаниқ системалар ҳисоблаш усуллари;

– эластик системаларда кўчишларни аниқлаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– ташки ва ички кучлар, куч проекцияси, куч моменти;

– кесипувчи кучлар тизими, кучларни кўчишнинг геометрик ва аналитик усуллари;

– ферма ҳақидаги тушунчалар, статик аниқ ва статик ноаниқ фермалар стерженларидаги зўриқишларни тугунни кесиш усули, Риттер усули ва Максвелл–Кремон диаграммаси ёрдамида аниқлашни;

– эластик системаларда кўчишларни Верешчагин ва Симпсон усулида аниқлашни;

– статик ноаниқ рамаларни куч усулда ҳисоблашни *билиши ва улардан*

фойдалана олиши;

– фермалар стерженларидаги зўриқишларини аниқлаш;

– элементларни мустаҳкамликка ҳисоблаш;

– конструкцияларни ички кучларини аниқлаш *бўйича амалий кўникмаларга эга*

бўлиши керак.

6.2.2.5. Экология фани бўйича

Бакалавр:

– биосфера ва инсон, табиатдан фойдаланиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

- биосферанинг тузилмаси, экологик тизимлар, мухит ва организмларнинг ўзаро муносабати, экология ва инсон саломатлиги, атроф-мухитнинг глобал муаммоларини;
- табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва табиат муҳофазасининг экологик тамойилларини;
- табиатдан тежаб-тергаб фойдаланиш асослари, экологик химоя техникаси ва технологиясини;
- аҳоли яшаш пунктларидаги биомухитнинг тўйинганлигини ва ландшафтли зоналашни тўғри яратишни;
- архитектуравий-ландшафтни лойиҳалашда альтернатив энергия манбаасидан фойдаланишни;
- атроф-мухит соҳасида халқаро ҳамкорликни, лойиҳавий ҳужжатларда экологик тоза ашёларни қўллай олишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ландшафт лойиҳасидатурар жой мухитидаги яшил фазовийликни бўлиб чиқиш;
- саноат объектларини, транспорт магистралларини ва аҳоли пунктларининг кўплигига қарамасдан паркга оид зоналарнинг сонини кўпайтиришни режалаш;
- турар жой кварталларида шамолни тўсадиган дарахтларни лойиҳалаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.2.6. Архитектуравий физика фани бўйича

Бакалавр:

- биноларда содир бўладиган физикавий жараёнлар ва бу жараёнларнинг инсонга ва бинога таъсири;
- бинолар микроклимига меъёрий талаблар ва уларни таъминлашнинг архитектуравий-конструктив усуллари
- биноларни лойиҳалашда қурилиш ҳудудларининг иқлими параметрларини ҳисобга олиш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- биноларда содир бўладиган иссиқлик масса алмашиниши жараёнларини баҳолаш;
- биноларни лойиҳалашда инсоляция, табиий ва сунъий ёруғлик меъёрий миқдорларини таъминлаш;
- бинолар энергия тежамкорлигини ошириш;
- бинолар акустикаси ва шовқиндан химоялаш принципларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- бинолар ташқи химоя конструкцияларини ҳудудлар иқлими ва норматив талаблар асосида лойиҳалаш;
- биноларда табиий ёритилганлик меъёрлари таъминланадиган дераза параметрларини танлаш;
- биноларнинг энергиясамардорлиги таъминланадиган ҳажмий-тархий ва конструктив ечимларини лойиҳалаш, энергиясамардор қурилиш материаллари ва инженерлик қурилмаларидан кенг фойдаланиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3. Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

6.2.3.1. Архитектуравий ашёшунослик фани бўйича

Бакалавр:

- архитектуравий ашёшунослик фанининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти;
- архитектура ашёларини тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари;
- композицион архитектура ашёларининг таркиби, структураси, хоссалари ва уларни тайёрлашда энергия ва ресурстежамкор, экологик ҳавфсиз технологиялари;
- архитектура ашёларидан бино ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва қайта қуриш ва безашда самарали фойдаланиш;
- турли архитектура ашёларининг асосий хоссалари ва қўлланиш соҳалари;
- табиий тош ашёлари ва улар асосидаги безак ашёларидан унумли фойдаланиш;

– минерал ва органик боғловчи моддалар асосида тайёрланадиган композицион архитектура ашёларининг хоссалари ва уларни яхшилаш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– архитектура ашёлари хоссаларини аниқлашнинг стандартлаштирилган усулларни қўлаб лаборатория синовларини ўтказиш;

– замонавий архитектура ашёлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва рефератлар ёзиш;

– архитектура ашёларини кишлоқ худудларидаги биноларда ишлатилиш қоидаларига амал қилиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.2. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фани бўйича

Бакалавр:

– чизма геометрия, чизмачилик: фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи;

- муҳандислик графикаси ва лойиҳалаш асослари;
- геометрик моделлаштириш асослари;
- проекциялар ва проекциялаш турлари, комплекс чизмалар;
- компьютер характеристикалари;
- компьютер график дастурлар имкониятлари;
- вектор ва растр графика дастурлари;
- компьютернинг график воситалари;
- график тасвирлар яратиш ва устида ишлаш *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро кесишувига оид масалаларни;
- масалани ечиш алгоритмларини;
- ўлчамли аниқланадиган (метрик) масалаларни;
- ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари аксонометрик тасвирлар, сиртлар, сиртдаги нукталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишувини;
- деталларнинг чизмалари ва эскизлари, чизма бўйича ўқиш ва деталлаштиришни;
- ёйилма, ажраладиган ва ажралмайдиган бирикмаларни;
- компьютер ёрдамида икки ва уч ўлчамли тасвирлар чизмасини бажаришни;
- мати ва графикали реклама проспектларни ясашни;
- анимация роликларини тайёрлашни;
- уч ўлчамли тасвирларни ҳаракатга келтиришни;
- расмларни яратиш, муҳаррирлаш ва қайта ишлашни;
- график файлларни бир дастурдан бошқа дастурга экспорт ва импорт қилишни
- *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- конструкторлик ҳужжатларининг мажмуини тузиш;
- стандартлашнинг давлат тизими ҳужжатларидан ва муҳандислик графикасининг техникавий воситаларидан фойдаланиш;

– компьютер графикасини дастурларини чизиш ва ҳисоб-китобда қўллаш;

– компьютерда чизмалар, лойиҳалар, презентациялар ва рекламаларини яратиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.3. Архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари фани бўйича

Бакалавр:

- архитектуравий лойиҳалаш асослари ва уларнинг ривожланиш босқичлари;
- архитектуравий лойиҳаларда қўлланиладиган услуб ва қоидалар;
- композицион яхлитлик тушунчаси; мейморий композиция *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- бино тарзи, тархи ва қирқимини чизишни;
- биноларнинг ортогонал ва перспектив тасвирларини қуриш қоидаларини, архитектуравий лойиҳалаш ва бўяш усулларини;
- шаклларни бир-бири билан композицион боғлашни;

– турли ҳажм, фазо, ранг каби бадний воситалардан фойдаланиб архитектуравий муҳитни ташкил этишни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– архитектуравий чизмаларни белгиланган масштабда график бажариш, кичик меъморий шакллари лойиҳалаш, архитектуравий муҳитни тўғри ташкил эта олиш;

– *яратилаётган лойиҳанинг эстетик, конструктив ва композицион ечимини тўғри ҳал этиш;*

– очик ва ёпиқ муҳитларни композицион ташкил эта олиш;

– биноларни лойиҳалашда функция, конструкция ва эстетика каби жиҳатларни бир-бири билан уйғунлаштира олиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.4. Турар жой ва жамоат бинолари типологияси фани бўйича

Бакалавр:

– турар жой ва жамоат, ҳамда саноат биноларининг ривожланиш жараёнлари;

– уларнинг типологик ва ижтимоий асослари;

– республиканинг табиий иқлими ва ижтимоий –иқтисодий хусусиятларининг бинолар турларига таъсири;

– лойиҳа ва мажмуий биноларнинг функционал-режалаштириш, техникавий ва иқтисодий ечимлари;

– бино ва иншоотларни лойиҳалашнинг асосий қонуниятлари ва уларнинг барча турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– турар жой ва жамоат, саноат биноларининг лойиҳалаш асослари;

– архитектуравий лойиҳалаш жараёнида типологик асосларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– биноларнинг функционал ечимларини тузиш;

– бинолар типологиясини лойиҳалашда эътиборга олиш;

– биноларнинг архитектуравий композицияси, функционал жараёнлари, анъанавий турлари ва уларнинг геометрик нисбатларини танлаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.5. Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи фани бўйича

Бакалавр:

– санъат, архитектура ва шаҳарсозликнинг қадимдан ривожланиб келаётганлиги ва улар ўртасидаги фарқ;

– ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ва бадний маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги, санъат, архитектура ва шаҳарсозликдаги тарихий стиллар;

– бугунги кун Ўзбекистон ва дунё замонавий архитектураси *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– санъат, архитектура ва шаҳарсозликнинг шаклланиш йўналишлари ва ривожланиш босқичларини;

– Ўрта Осиё меъморлигининг жаҳон меъморчилиги тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини;

– Ғарб меъморчилигининг йирик асосчилари яратган меъморий қонуниятлар ва услублар йўналишларини;

– шаҳарларнинг ривожланиш босқичларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– санъат, архитектура ва шаҳарсозлик асарларини даврига ва жойига қараб фарқлаш;

– шаҳарлардаги турли даврларга оид тарихий шаклланган қатламларни ажрата олиш;

– Ғарб шаҳарсозлиги ривож ва тараққиёт концепцияларининг МДХ, Ўрта Осиё ва замонавий Шарқ мамлакатларига таъсир усулларини аниқлаш;

– замонавий бино ва мажмуаларнинг типологик, функционал, ҳажмий-фазовий ва бадний-меъморий жиҳатларини, маданий мерос ва анъаналарини аниқлай олиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.6. Транспорт ва муҳанделик ободонлаштириш фани бўйича**Бакалавр:**

- аҳоли яшаш жойлари транспорт тизими ва иншоотлари;
- шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш ва инженерлик жихозлаш *тўғрисида тасавурга эга бўлиши;*
- аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш, инженерлик жихозлаш қондалари ва тамойилларини;
- шаҳар ва қишлоқлар транспорт тизими бўйича меъёрлари ва қондаларни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- аҳоли яшаш жойлари транспорт тизимини, ободонлаштиришни ва инженерлик жихозлашларини лойиҳалаш;
- табиий жараёнлар ва ноқулай ҳудудларни шаҳарсозликда баҳолашқўникмаларига *эга бўлиши керак.*

6.2.3.7. Архитектуравий лойиҳалаш фани бўйича**Бакалавр:**

- Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қурилиш меъёрлари ва қондалари;
- архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқичлари;
- бино ва иншоотларнинг лойиҳавий функционал, типологик, технологик тузилиши;
- мураккаб функционал ечимга эга бўлмаган биноларни архитектуравий ечимлари;
- бино ва иншоотларнинг архитектуравий шакллантириш, лойиҳалаш тизими;
- функция ва шакл, бадий, конструктив тизими;
- бино ва иншоотлар архитектуравий лойиҳаларини функционал поғоналашган ечимлари;
- қишлоқлар ва қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудининг мавжуд ҳолати, уни реконструкцияси;
- шаҳарсозлик объектлари: шаҳар, қишлоқ, жамоат марказлари, кўкаламзор ҳудудлар, турар жой мажмуалари *ҳақида тасавурга эга бўлиши;*
- Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қурилиш меъёрий ҳужжатларини;
- архитектуравий лойиҳа ечимини;
- архитектуравий лойиҳалаш услубларини;
- бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳаларини, жараёнларини, талабларини;
- бино ва иншоотлар лойиҳаларида функционал технологик, конструктив боғлиқликни;
- лойиҳа объектларини техник-иктисодий кўрсаткичларини;
- бино ва иншоотлар архитектуравий лойиҳаларини функционал поғоналашган ечимларини;
- қишлоқлар ва қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудини реконструкция қилиш усулларини;
- шаҳарсозлик объектлари: шаҳар, қишлоқ, жамоат марказлари, кўкаламзор ҳудудлар, турар жой мажмуаларини шакллантириш талабларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- архитектуравий лойиҳалашда амалдаги меъёрий ҳужжатларни қўллаш;
- бино ва иншоотларнинг ҳажмий функционал, типологик, технологик тузилишини архитектуравий лойиҳалашда татбиқ этиш;
- бино ва иншоотларни архитектуравий лойиҳаларини шакллантириш;
- лойиҳада бадий-композицион, конструктив, функционал ечимларни ташкиллаштириш;
- архитектуравий лойиҳалаш тизимини тузиш;
- архитектуравий лойиҳалашда талаб ва тақлифлар назариясидан фойдаланиш;

- архитектуравий лойиҳаларни мураккаб-функционал поғоналашган ечимлар асосида ишлаб чиқиш;
- қишлоқлар ва қишлоқ фуқаролари йиғини худудини реконструкция лойиҳасини муаллифлар жамоасида бажара олиш;
- шаҳарсозлик объектлари: шаҳар, қишлоқ, жамоат марказлари, кўкаламзор худудлар, турар жой мажмуаларини таҳлил қилиш ва лойиҳалаш **кўникмаларига эга бўлиши керак.**

6.2.3.8. Газ ва иссиқлик таъминоти фани бўйича

Бакалавр:

- шаҳар газ қувурларининг синфларга бўлиниши, шаҳар газ қувурларининг схемалари;
- газ сошлаш пунктлари, иссиқликнинг асосий истеъмолчилари;
- марказлашган иссиқлик таъминоти тизимлари, сувли иссиқлик таъминоти;
- иссиқлик таъминотидаги қувурлар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**
- шаҳар газ қувурларидаги босимлар, шаҳар газ қувурларини лойиҳалаш ва уларни элементларини танлаб олишни;
- иссиқлик юкламаларини, иссиқлик қувурларининг конструкциясини;
- ташқи қувурларни жойлаштириш турлари ва қондаларини билиши ва **улардан фойдалана олиши;**
- иссиқлик тармоғини лойиҳалаш, шаҳар газ қувурларини режалаштириш;
- иссиқлик тармоқларини лойиҳалашда ташқи қувурларини жойлаштириш **кўникмаларга эга бўлиши лозим;**

6.2.3.9. Сув таъминоти ва канализация фани бўйича

Бакалавр:

- аҳоли яшаш жойларини сув билан таъминлаш манбалари ва сувнинг истеъмоли ва сарфлари;
- аҳоли яшаш жойлари ва саноат корхоналари сув таъминоти тизимлари ва уларнинг асосий элементлар;
- аҳоли яшаш жойлари сув таъминоти тизимларини минтақалаштириш;
- аҳоли яшаш жойлари сув таъминоти тизимларидаги арматуралар ва иншоотлар;
- аҳоли яшаш жойлари оқава сувларни оқизиш тизимлари ва схемалари;
- аҳоли сонини аниқлаш, оқава сувларни оқизиш меъёрлари, сарфлари, оқаваларни оқизишда нотекислик коэффициенти ва гидравлик ҳисобни аниқлаш;
- ташқи оқава сувларни оқизиш тармоқларини лойиҳалаш;
- оқава сувларни оқизиш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва коллекторлар ва иншоотлар;
- оқава сувларни оқизиш тизимларини қуриш, қувурларни ётқизиш, уларни улаш ва коллекторларни ўрнатиш **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- табiiй сув манбалари турлари ва улардан сув таъминоти мақсадида фойдаланиш, сув олиш, уни тозалаш, зарарсизлантириш, турли сув манбаларининг санитариа сифати ва улардан оқилона фойдаланишни;
- сувнинг нисбий сарфи ва сарфлаш меъёрлари ва сув истеъмолининг суткадаги ҳисобий сарфи миқдорини аниқлашни;
- сув таъминоти тизимлари ва уларнинг асосий элементларини;
- сув таъминоти тизимларини минтақалаштиришни;
- сув таъминоти тизимларини ўрнатиш, қуриш ва уларнинг конструкцияларига қўйиладиган асосий талабларни;
- сув таъминоти тизимларидаги қувурларни ётқизиш чуқурлиги ва уларни ўрнатишни;
- оқава сувларни оқизиш тизимлари ва схемалари ва уларни танлашни;
- оқава сувларни оқизиш меъёрлари, оқаваларни оқизишда нотекислик коэффициенти, ҳисобий сарфларини аниқлашни;

- sanoat korxonalarining oqava suvlarining sarflarini hisoblashni;
- oqava suvlarini oqizish kuvur utkazgichlarini joylashtirishni;
- oqava suvlarini oqizish tizimlaridagi inshootlarni *bilishi va ulardan foydalana olishi*;
- tabiiy suv manbalarini tavsiflari, manbalarining debiti va uning faoliy uzgariش, suv manbalaridan oqilona foydalaniش;
- asosiy suv iste'mol kiluvchilar turлари: xujalik ichimlik suvlar, sanoat suvlar, ёнгин uчiriш учун sarflanaдиган suvlar, suv taъminoti tizimlari va ularning asosiy elementlarini тахлил килиш;
- suv taъminoti tizimlarini таснифини, ёнгини uчiriшда suv taъminoti tizimlarining ишлаш тартибларини тузиш;
- сувузатиш kuvurларива suv тармоқларининг умумий хусусияти, минтақали suv taъминлаш тазимлари va ularning турларидан foydalaniш;
- suv taъminoti tizimlaridagi armaturalar va inshootlarni лойиҳалаш;
- канализациянинг умумий чизмаси va uning asosiy elementlarini, канализация тармоқларига oqava suvlarini қабул килиш шартлари;
- ҳисобий аҳоли сонини аниқлаш, oqava suvlar миқдори va ularning нотекислик коэффициентини ҳисобли sarflarini аниқлаш;
- канализация тармоқларининг йўналишини белгилаш;
- канализация қуришда ишлатиладиган kuvurларни лойиҳалаш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.10. Қаламтасвир, рангтасвир va ҳайкалтарошлик фани бўйича

Бакалавр:

- объектни қоғозда мутаносиб joylashtirish, чизикли композиция, ёруғлик va сояни акс эттириш;
- яқин, ўқнаш ранглар, карама-қарши колористик уйғунликда ташкил топган рангларнинг усуллари;
- пластилин, лой va бошқа юмшоқ материаллардан фазовий шаклларни моделлаштиришда ўзаро пропорционаллик қонунлари *ҳақида тасавурга эга бўлиши*;
- пропорциялар, симметрия, ассимметрия, натурани қоғозда тўғри joylashtirishni;
- аралаш техника va ранглар фони имкониятидан foydalaniшni;
- рангтасвир эскизи ёрдамидан ранглар акцентини жой-жойига қўйишni;
- ҳайкалтарошлик асарини моделлаштириш учун қандай материалга эга бўлишni;
- ҳайкалтарошлик асарини катталаштириш, қилип олиш усулларини қўллашni;
- лой, гипс, пластилин, тош билан ишлаш учун махсус асбоблардан foydalaniшni *билishi va ulardan foydalana olishi*;
- ҳайкал, жонли натура, пейзаж композицияларини қоғозда тўғри joylashtirish, пропорцияларини мукамал акс эттириш ҳамда ёруғ va соясини ишлаш;
- тасвирларда рангларни уйғун акс эттириш, улар мутаносиблигини ифодалай олиш;
- ҳайкалтарошлик асарини тасавурли образлар орқали яратиш *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.11. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бўйича

Бакалавр:

- меҳнат физиологияси асослари va ҳаёт фаолияти қулай шароитлари;
- антропоген омилларнинг объектлари;
- техникавий тизимлар хавфсизлиги va экологияси;
- фавқулудда ҳолатлар шароитидаги хавфсизлик *ҳақида тасавурга эга бўлиши*;
- меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси va ёнгин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосларини;

– меҳнат психофизиологияси асосларини, инсон танаси антропометрик ва анатомик кўрсаткичларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– меҳнат жараёнида инсон саломатлигини ва ишга лаёқатлилигини сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора ва тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича;

– мутахассисларга ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига оид талабларни ишлаб чиқиш бўйича *кўникмаларига эга бўлиши керак*.

6.2.3.12. Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморчилиги фани бўйича

Бакалавр:

– Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарсозлик ва архитектура соҳасида амалга оширилаётган ишлар;

– тарихий шаҳарлардаги меъморий ўзгаришлар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморчилигининг жаҳон меъморчилигидаги аҳамияти ва ўрнини;

– шаҳарларнинг, айниқса тарихий шаҳарларнинг янги бош режалари ва шаҳарсозликдаги йўналишларини;

– ўзбек архитектурасининг ўзига хос жиҳатларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

– шаҳарларни қайта қуришда архитектура ёдгорликларини сақлаб қолиш;

– замонавий биноларни лойиҳалашда тарихий анъаналаримизни эътиборга олиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.13. Қурилиш жараёнлари технологияси фани бўйича

Бакалавр:

– қурилиш жараёнлари технологияси фанининг мақсади ва вазифалари, унинг ихтисослик фанларини ўзлаштиришдаги аҳамияти;

– қурилиш жараёнларини бажаришнинг замонавий технологиялари;

– қурилишда технологик лойиҳалашнинг тугган ўрни ва технологик лойиҳаларнинг турлари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;

– қурилишда ишларни бажариш лойиҳасининг таркиби ва уни ишлаб чиқишнинг асосий қоидаларини;

– қурилиш жараёнларини бажаришнинг календар режаларини тузишни

– турли қурилиш жараёнлари учун технологик хариталарни ишлаб чиқишни;

– қурилиш жараёнларини бажаришда сифатни назорат қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*

– қурилиш жараёнларининг технологик хариталарини ишлаб чиқишда ишлар ҳажмини, сермеҳнатлигини ва машина вақти сарфини ҳисоблаш;

– қурилиш жараёнларини бажаришда қурилиш машиналарининг энг самарали комплектини ва уларнинг рационал ҳаракатланиш схемаларини танлаш;

– қурилишда ишларни бажаришнинг турли рақобатбардош вариантларини ишлаб чиқиш ва ушбу вариантларни техник-иқтисодий қиёслаш;

– барча турдаги қурилиш жараёнлари учун хавфсизлик техникаси талабларини бажариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.14. Қурилиш конструкцияси фани бўйича

Бакалавр:

– турли хилдаги қурилиш конструкциялари ва уларнинг қўлланиш соҳалари, асосий афзаллиги ва камчиликлари, материалларнинг физик-механик хоссалари, таъсир этадиган юклар ва уларнинг турлари, конструкцияларини ҳисоблаш усуллари, конструкция элементларини бириктириш усуллари, қурилиш конструкцияларини лойиҳалашда уларга қўйиладиган талаблар;

– турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг ўзига хос хусусиятлари;

– турар-жой, жамоат ва саноат биноларига қўйиладиган талаблар;

– биноларнинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимлари;

– Ўзбекистон Республикаси шароитларида биноларни лойihalash meъepлари va koндaлари *xaқida тасаввурга эга бўлиши*;

– конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш асослари, юкларнинг меъорий va ҳисобий қийматларини, ишончлик коэффициентлари темирбетони, ёғоч va металлнинг ҳисобий қаршиликларини, элементларнинг марказий чўзилишга va сиқилишга ҳисобланишини, элементларни кўндаланг va оғма кесим юзаси бўйича эгилишга ҳисоблашини, конструкция элементларини мустақамлигин ошириш va таннархини камайтиришини, қурилиш конструкцияларини лойihalashда оптимал ечимни аниқлашни, конструкцияларнинг техник-иктисодий кўрсаткичларини аниқлашни;

– архитектура фанининг моҳияти, тушунчалари va масалаларини;

– архитектуравий-қурилиш лойihalash асосларини;

– лойihalashда типлаштириш, бирхиллаштириш va стандартлаштириш тамойилларини;

– бинолар зилзилабардошлилигини таъминлаш асосларини;

– турли типдаги биноларни лойihalash кондaларини *билиши va улардан фойдалана олиши*;

– қурилиш конструкцияларини компьютер графикаси va замонавий ахборот технологияларида фойдаланиб, бинонинг юк кўтарувчи асосий элементларини ҳисоблаш ва лойihalashда электрон дастурларидан фойдаланиш;

– турар-жой, жамоат va саноат биноларини лойihalash;

– турли типдаги биноларни лойihalashда ёнғинга va зилзилага қарши талабларни эътиборга олиш;

– архитектуравий-қурилиш лойihalashда иссиқлик техникаси, акустика va ёруғлик техникаси бўйича ҳисоблашларни бажариш *кўникмаларига эга бўлиши лозим*.

6.2.3.15. Тармоқ иқтисодий ва менежмент фани бўйича

Бакалавр:

– қурилиш тармоғининг республикамиз иқтисодийида тутган ўрни va ижтимоий-иктисодий аҳамияти;

– капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати;

– давлат инвестиция дастурини шакллантириш va амалга ошириш;

– капитал қурилишда бошқарув va хўжалик муносабатлари тизими;

– қурилиш ташкилотининг асосий фондлари va айланма маблағлари;

– капитал қурилишда танлов савдолари va шартномавий жорий нархлар;

– қурилишда баҳонинг шаклланиши va уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар;

– қурилиш ишлаб чиқаришини концентрациялаш, ихтисослаштириш va кооперациялаш *xaқida тасаввурга эга бўлиши*;

– қурилишга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашни;

– қурилиш ташкилотида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иқтисодини;

– қурилишда нархларни шакллантириш усулларини;

– қурилиш объектлари қийматини экспертиза қилиш қонуниятлари va асосларини

– қурилиш ташкилотларида ресурслардан фойдаланиш va иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш услубларини;

– қурилиш ҳажмини ҳисоблаш, маълумотларни компьютерга киритиши va уни қайта ишлашни;

– қурилишда нархни шакллантиришнинг ҳуқуқий – меъерий асосларини;

– қурилиш соҳасида баҳони шакллантиришнинг меъерий асосларини;

– қурилишда тендер савдоларини ўтказиш кондaларини *билиши va улардан фойдалана олиши*;

– қурилиш объектларига оид иқтисодий, статистик va ҳисобот маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш va таҳлил қилиш;

- қурилиш корхонаси молиявий хўжалик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш;
- қурилиш корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва рентабельлигини аниқлаш;
- қурилиш материаллари турларини фарқлаш ва оптимал турини танлай билиши;
- объектлар смета қийматини шакллантириш ва қурилиш маҳсулотининг таннархини ҳисоблаш;
- қурилиш конструкцияларининг хусусиятларини, қурилиш технологиясини нарх шакллантириш жараёнида қўллаш билиш;
- қурилишда лойиҳавий ечимларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш;
- қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.3.16. Шаҳарсозлик асослари фанлари бўйича

Бакалавр:

- Ўзбекистон шаҳарсозлиги ривожланишининг асосий йўналишлари;
- аҳоли жойлашуви турлари ва шакллари, туманни режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари *тўғрисида тасавурга эга бўлиши;*
- шаҳарсозлик объектларининг функционал-тархий тузилишини такомиллаштириш усулларини, замонавий шаҳарсозлик тамойилларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- шаҳарсозлик объектларини назарий таҳлил қилиш;
- аҳоли жойлари бош режалари, улар функционал қисмларининг муфассал режалаштириш лойиҳаларини бажариш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.2.3.17. Танлов фанлари бўйича

Танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

6.2.4. Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

6.2.4.1. Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш фани бўйича

Бакалавр:

- аҳоли жойлашуви Бош тузилмаси, туманни режалаштириш тузилмаси ва лойиҳаси, аҳоли яшаш жойлари бош режалари;
- қишлоқ фуқоролар йиғини ҳудудини лойиҳалаш тузилмаси;
- аҳоли жойлари жамоат марказлари таркиби, функционал қисмлари ва меъморий-композицион тузилиши *ҳақида тасавурга эга бўлиши;*
- регионал, субрегионал ва локал ҳудудларни функционал қисмларга бўлишни;
- қишлоқ фуқоролар йиғини ҳудудининг бош режаси тузилишини;
- аҳоли яшаш жойлари жамоат марказлари, ишлаб чиқариш қисмларини шакллантиришни *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- қишлоқ фуқоролар йиғини ҳудудини, қишлоқ бош тархини лойиҳалаш;
- аҳоли яшаш жойлари жамоат маркази, ишлаб чиқариш ва турар жой қисмларини муфассал режалаштириш;
- аҳоли яшаш жойлари жамоат марказидаги жамоат мажмуоларини меморий лойиҳалаш *қўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.4.2. Агросаноат мажмуаси лойиҳалаш фани бўйича

Бакалавр:

- туманни режалаштириш тузилмаси ва лойиҳаси, аҳоли яшаш жойлари бош режалари;
- аҳоли яшаш жойлари жамоат маркази, ишлаб чиқариш ва турар жой қисмларини муфассал лойиҳалари *ҳақида тасавурга эга бўлиши;*

- агосаноат мажмуаси ҳудудини функционал қисмларга бўлишни;
- жамоат марказлари, ишлаб чиқариш қисмларини шакллантиришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- агосаноат мажмуаси ҳудудини бош тарҳини лойиҳалаш;
- қишлоқ жойлари жамоат маркази, ишлаб чиқариш ва турар жой қисмларини муфассал режалаштириш;
- қишлоқ аҳоли яшайдиган қисмида жамоат ва турар жой мажмуаларини лойиҳалаш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.4.3. Турар жой туманини лойиҳалаш фани бўйича

Бакалавр:

- турар жой туманининг аҳоли сони, турар жой қисмларига ажратиш;
- функционал қисмларнинг майдонлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- турар жой тумани ҳудудини функционал қисмларга бўлишни;
- жамоат марказлари, кўкаламзор қисмларни шакллантиришни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- турар жой тумани ҳудудини бош тарҳини лойиҳалаш;
- турар жой туманларини жамоат маркази, турар жой ва кўкаламзор қисмларини муфассал режалаштириш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

6.2.4.4. Ландшафт архитектураси фани бўйича

Бакалавр:

- табиий ва антропоген ландшафтлар, ландшафт архитектурасининг тараққиёт босқичлари;
- ландшафтнинг асосий элементлари, ўсимликларнинг асосий турлари *тўғрисида тасаввурга эга бўлиши*;
- ландшафт архитектурасининг назарий асосларини, замонавий йўналишларини, тамойилларини;
- ҳудудни функционал қисмларга бўлиш усулларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- ландшафт архитектураси ва дизайни объектларини лойиҳалаш;
- лойиҳаланаётган объектларга ўсимлик турларини танлай олиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

6.3. Танлов фанлари бўйича

Танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

7. Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

7.1.5340100 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий таъкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4.5 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, куйидаги вақт тақсимотига эга:

Назарий таълим	152 ҳафта
Атгестация	20 ҳафта
Таътил	38 ҳафта
Малака амалиёти	14 ҳафта
Битирув иши (лойиҳа)	6 ҳафта
Жами	230 ҳафта

7.2 Талаба ҳафталик ўқув юкласининг максимал ҳажми 54 соат, шундан аудиториядаги ўқув юкласи – 32 соат, қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

7.3 Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурининг умумий ҳажми 4,5 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.4 Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки фанлар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

7.55341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни ва компонентлари

7.5.1 Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар мазмуни ва компонентлари

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг зарурий мазмуни ва компонентлари «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

7.5.2 Математик ва табиий-илмий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.2.1 Олий математика:

алгебра: асосий алгебраик тузилмалар, айрим векторли фазовий ва чизикли ифодалар, Буль алгебраси;

геометрия: аналитик геометрия, кўп ўлчамли Евклид геометрияси, чизиклар ва сиртларнинг дифференциал геометрияси, топология элементлари;

дискрет математика: мантикий ҳисоблашлар, графиклар, алгоритмлар назарияси;

анализ: дифференциал ва интеграл ҳисоблаш, функция назарияси ва функционал таҳлил элементлари, комплекс ўзгарувчилар функциялари назарияси, дифференциал тенгламалар;

эҳтимоллик ва статистика: эҳтимоллик назариясининг математик асослари, тасодифий жараёнларнинг моделлари, фаразларни текшириш, юқори тартиб ўхшатишлар тамойили, экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг статистик усуллари.

7.5.2.2 Информатика ва ахборот технологиялари:

ахборот тушунчаси: ахборот тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва жамғариш жараёнларининг умумий тавсифи; информацион жараёнларни амалга оширишнинг техникавий ва дастуравий воситалари; функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари; алгоритмлаш ва дастурлаш; юқори даражадаги дастурлаш тиллари; маълумотлар базаси; дастуравий таъминот ва дастурлаш технологияси; компютер графикаси асослари; AutoCAD график дастури; ишчи стол; менюлар; график примитивлар; чизиклар чизиш; абсолют, нисбий, кутбий ва цилиндрлик координаталар; айланалар, ёйлар ва эллипслар чизиш; кўпёкликлар, халкалар ва бўялган доираларни кўриш; муҳаррирлик воситалари: ўчириш, ўрин алмаштириш ва нусха олиш буйруқлари; мураккаб муҳаррирлик; матни расм ичига жойлаштириш; шрифтлар; қатламлар бўйича бўлиниш; чизик турларининг рангини ишлатиш; масштабни сошлаш ва чизма босмасини олиш; уч ўлчамли моделлаш; уч ўлчамли проекцияда кўриш нуктасини танлаш; планда кўринишни ўрнатиш; камера ўрнатиш; уч ўлчамли ясашлар; қаттиқ жисмли объектларга материал бериш ва муҳаррирлаш; ёруғлик манбаиларни ўрнатиш; фон яратиш; рендерлаш; расм файлларига ўтказиш ва наشر этиш; 3D Studio MAX дастури хақида тушунчалар; уч ўлчамли графика ва анимация асослари; интерфейс элементлари; моделлаш асослари; объектларни муҳаррирлаш; модификаторлар; Безье бўлаклари ва хар хил рационал B- сплайнлар асосида моделлаш; лофт буйруғидан фойдаланиш; сахналар яратиш; ёруғлик манбаи ва камералар билан ишлаш; материаллар билан ишлаш; сахналарни визуаллаштириш усуллари ўзлаштириш; анимация асослари.

7.5.2.3. Муҳандислик геодезияси:

геодезия фани ва унинг вазифалари: геодезиянинг халқ хўжалигидаги ва давлат мудофасидаги ўрни, геодезия фанининг тарихий ривожланиш ҳақида қисқа маълумот.

Ернинг шакли ва катталиги ҳақида тушунча: Ер сиртини текислик ва шарда тасвирлаш, геодезиядаги проекциялаш услублари;

геодезик тармоқлар: давлат геодезик тармоқлари: планли ва баландлик тармоқлари, планли тармоқларни урнатиш усуллари, триангуляция, трилатерация ва полигонометрия, уларнинг класлари, уларни барпо этишда талаб этилган аникликлар;

геодезик план олишнинг асоси ва уни қуриш усуллари, планга олиш асослари. планли ва баландлик план олиш асослари, планга олишнинг турлари: горизонтал, вертикал ва топографик планга олиш, геодезик тармоқларини барпо қилишнинг янги технологиялари GPS тизимлари, DGPS таянч станциялари;

топографик карта ва планлар: масштаблар, сонли масштаб ва натурал масштаб, масштаб асоси, масштаб аниклиги, чизикли масштаб ва кўндаланг масштаб, уларнинг аниклиги;

карта ва план тушунчаси: карталар классификацияси, топографик карта ва планларнинг варақларга булиниши ва номенклатураси, топографик карта рамкалари, рамка бурчакларининг географик координаталари, километрлар тури, картада нуктанинг тўғри бурчакли ва географик координаталарини аниқлаш;

ориентирлаш: геодезик ориентирлаш тушунчаси, жойда чизиклар йуналишини аниқлаш, ҳақиқий азимут ва румблар, меридианлар яқинлашиш бурчаги, дирекцион бурчак, дирекцион бурчак ва румб бурчаклари орасидаги муносабат, бурчак томонларининг дирекцион бурчаклари орқали ички бурчакни ҳисоблаш;

ўлчаш хатолари назарияси ҳақида бошланғич маълумот: ўлчаш хатолари назариясининг вазифалари, ўлчашлар ва уларнинг турлари, ўлчаш хатолари ва турлари, систематик, тасоддий ва қўпол хатолар, ўлчаш хатолари назариясининг вазифалари. тасоддий хато хоссалари, ўлчаш натижаларини аниклигини баҳолаш кўрсаткичлари;

юза ўлчаш: жойдаги ҳудуд юзасини аниқлаш: картадаги ўлчаш натижалари асосида ва жойдаги ўлчаш натижалари асосида. геометрик аналитик, график ва механик усуллар, кутбий планиметрни синаш ва текшириш, юза ҳисоблаш аниклиги;

жойда масофа ўлчаш: жойда масофа ўлчашнинг мақсад ва моҳияти, масофа ўлчашда қўлланилган асбоб турлари, унинг аникликлари ва ўлчаш услублари;

нивелирлаш: нивелирлаш моҳияти ва усуллари: геометрик, тригонометрик, барометрик, гидростатик ва автоматик нивелирлашлар;

геометрик нивелирлаш: геометрик нивелирлашнинг моҳияти ва услублари, нивелирлаш натижаларига ер эгрилиги ва рефракциянинг таъсири, нивелир ва нивелирлаш рейкаларининг турлари ва уларни тузилиши. нивелир ва нивелирлаш рейкаларини текшириш ва сошлаш;

тригонометрик нивелирлаш: тригонометрик нивелирлашнинг моҳияти ва унда қўлланилган асбоблар, тригонометрик нивелирлашнинг услублари ва асосий формулалари;

техникавий нивелирлаш: бўйлама техникавий нивелирлашда иш тартиби, нивелирлаш йули, рекогносцировка қилиш; дала ўлчашлари, ўлчаш журнални тўлдириш ва текшириш, майдон нивелирлашни бажариш усуллари;

теодолит билан планга олиш: теодолит йуллари ва уларни геодезик таянч тармоқ пунктларига боғлаш, теодолит йулини утказиш тартиби, рекогносцировка, йўл нукталарини жойда белгилаш, дала ўлчаш ишларини таркиби ва уларни бажариш тартиби;

тахеометрик план олиш: тахеометрик план олишнинг моҳияти, қўлланилган асбоблар, асбобларни тузилиши ва уларни текшириш шартлари, тахеометрик йўл ўтказиш, рекогносцировка, йўл нукталарини жойда белгилаш;

7.5.2.4 Амалий механика:

Назарий механика: Статика тушунчалари, статика аксиомалари, (бир нуктада)

Кесишувчи кучлар тизими, кесишувчи кучлар тизимининг геометрик ва аналитик мувозанат шarti.

Жуфт кучлар назарияси.

Кучнинг нуқтага ва ўққа нисбатан моменти.

Текисликда ихтиёрый жойлашган кучлар тизими, текисликда ихтиёрый жойлашган кучлар тизимининг мувозанат шarti.

Боғланишлар ва уларнинг реакция кучлари.

Иншоотларнинг кинематик анализи. Геометрик структураси бўйича анализ.

Статик аниқ ва ноаниқ фермалар, уларнинг классификацияси.

Текис фермаларни ҳисоблаш (кесиш усули, Риттер усули ва Максвелл-Кремон диаграммаси).

Материаллар қаршилиги: Мураккаб шаклларнинг оғирлик маркази, текис шаклларнинг геометрик хarakterистикалари (статик момент, текис шаклларнинг оғирлик маркази координаталари, инерция моментлари, марказдан қочма инерция моментлари, қаршилиқ моментлари, инерция радиуслари, поляр инерция моментлари), Асосий тушунчалар. Кириш. Материаллар қаршилиги фанининг мақсади ва вазифалари. Конструкция элементлари ва уларнинг ҳисоблаш схемаси. Ташқи юклар ва уларнинг турлари. Материаллар қаршилигида қабул кидинган гипотезалар (фаразлар). Ички кучларни аниқлаш. Кесиш усули. Кучланиш ва унинг турлари.

Силжиш. Соф силжиш. Силжишдаги деформациялар. Силжишда Гук қонуни. Силжиш ва чўзилиш (сиқилиш) даги эластиклик модулларининг ўзаро муносабатлари.

Буралиш. Буровчи момент ва унинг эпюрасини чизиш. Доиравий кўндаланг кесимли стерженнинг буралиши.

Эгилиш. Асосий тушунчалар. Эгилишдаги ички кучлар. Эгувчи момент, кўндаланг куч ва тарқалган куч интенсивлиги орасидаги дифференциал боғланишлар.

Чўзилиш ва сиқилиш. Бўйлама куч. Бўйлама ва кўндаланг деформациялар. Гук қонуни. Стержень кўндаланг кесимидаги кучланишлар. Намуналарни синаш орқали механик хусусиятларини аниқлаш. Чўзилиш ва сиқилиш диаграммаси. Стерженнинг хусусий оғирлиги. Чўзилиш ва сиқилишга ишлайдиган стерженларни мустақкамликка ҳисоблаш. Чўзилиш ва сиқилишда статик ноаниқ масалалар.

Қурилиш механикаси: Қурилиш механикаси фанининг аҳамияти. Бино ва иншоотларнинг ҳисоблаш схемаси ва уларнинг турлари. Бино ва иншоотларнинг кинематик анализи.

Кўп ораликли статик аниқ балкалар. Кўп ораликли статик аниқ балкаларни ҳисоблаш.

Таъсир чизиклар назарияси. Ҳаракатланувчи юкларга ҳисоблаш ҳақида тушунча. Таянч реакциясининг таъсир чизиклари. Оддий балка зўриқишларининг таъсир чизиклари. Таъсир чизиклари ёрдамида зўриқишларни аниқлаш. Кўп ораликли статик балка зўриқишларининг таъсир чизиклари.

Уч шарнирли системалар. Таянч реакцияларини аниқлаш. Уч шарнирли аркаларни доимий юклар таъсирига ҳисоблаш. Арка ўқининг рационал шаклини танлаш. Уч шарнирли арканинг таянч реакцияси ва зўриқишларининг таъсир чизиклари.

Эластик системаларда кўчишларни аниқлаш. Кўчишларни аниқлашнинг умумий формуласи. Кўчишларни аниқлашнинг Верещчагин усули.

Статик ноаниқ системалар. Статик ноаниқлик даражаси. Статик ноаниқ системаларни ҳисоблаш усуллари.

Статик ноаниқ рамаларни куч усулида ҳисоблаш. Куч усулининг асосий системасини танлаш. Куч усулининг каноник тенгламаси. Натижавий эгувчи момент эпюрасини чизиш. Кўндаланг ва бўйлама куч эпюраларини чизиш.

7.5.2.5 Экология:

табiiй атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асослари; экология асослари; табиатда антропоген омиллар, табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг

ташкилий ва ҳуқуқий асослари; атмосферани муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавосининг моҳияти, тузилиши, хоссалари, ифлосланиш ва ифлослантирувчи моддалар; сув ресурсларини ва тупроқларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш; чиқиндиларни қайта ишлаш ва қурилиш соҳасида ишлатилиши; энергиятежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш; демография ва экология; демографик сизим; архитектуравий-ландшафтни лойиҳалашда альтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш; архитектура қурилиш экологияси.

7.5.2.6. Архитектуравий физика:

архитектуравий физикаси фаннинг мақсад ва вазифалари; фаннинг таркибий қисмлари; қурилиш иқлимшунослиги; иқлимга мослаб бинолар лойиҳалаш тажрибаси ва таҳлили; биноларни лойиҳалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар; қуёш радиацияси, ҳарорат, намлик ва шамол режимлари, физикавий геологик маълумотлар; иқлимнинг кўп омилли таҳлили, бинонинг ҳажмий-тархий ва конструктив ечимига таъсири; Ўзбекистон иқлимини комплекс баҳолаш; Республика ҳудудлари бўйича иқлим паспортлари ва ундан фойдаланиш тартиблари; қурилиш иссиқлик техникаси; мақсад ва вазифалари; иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларининг асосий қонуниятлари; иссиқлик узатиш турлари; иссиқлик ўтказувчанлик, конвекция ва нурланиш; бино тўсиқ конструкциялари орқали стационар иссиқлик оқими ўтганида иссиқлик узатилиши; иссиқлик оқими; иссиқлик узатилиши қаршилиги ва унинг ташкил этувчилари; бир қатламли, кўп қатламли тўсиқ конструкцияларининг термик қаршилигини ҳисоблаш усуллари; конструкцияларда ҳарорат майдони; бир жинсли бўлмаган тўсиқ конструкциялар иссиқлик техникавий ҳисоби; биноларда намлик ҳолатларини баҳолаш; абсолют ва нисбий намлик, ҳароратнинг шудринг нуқтаси; тўсиқ конструкцияларнинг сув буглари ўтказишINI ҳисоблаш; тўсиқ қалинлигида сув бугларининг конденсацияси ва уни олдини олиш тадбирлари; биноларда ҳаво алмашинушига норматив талаблар; инфилтрация ва эксфилтрация; бинолар иссиқлик ҳимоя даражасини лойиҳалаш бўйича норматив талаблар ва қоидалар; бинолар йиллик иссиқлик истеъмолининг солиштирма кўрсаткичларини аниқлаш тартиби ва қоидалари; биноларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш параметрлари. ностационар иссиқлик оқими; бино тўсиқ конструкцияларида қуёш радиацияси таъсирини ҳисобга олиш; ёзги шароитда тўсиқларни иссиққа чидамлилигига таъсир этувчи омиллар; тўсиқларнинг ички сиртида ҳароратнинг ўзгариш амплитудаси ва уни меъёрлаш; қурилиш ёруғлик техникаси вазифа ва масалалари; ёруғликнинг асосий катталиқ ва бирликлари; нурланиш энергияси; ёруғлик оқими; ёритиш кучи; ёруғлик; равшанлик; ёруғлик техникасининг асосий қонунилари; табиий ёруғлик коэффициентини; табиий ёруғликни меъёрланиши; вазифасига кўра хоналарнинг ёруғлигига кўйилган меъерий талаблар; дераза юзаларини олдиндан аниқлаш; табиий ёритилганликни геометрик коэффициентини ҳисоблаш усули; А.М. Данилюкнинг ҳисоблаш графикларини тузилиш принциплари; табиий ёритилганликнинг геометрик коэффициентини Данилюк графиги асосида аниқлаш; Инсоляция; бино ва ҳудудларни инсоляция билан таъминлаш меъёрлари ва қоидалари; оптимал инсоляцияга эришиш воситалари; қуёшдан ҳимоя воситалари; қурилиш акустикаси вазифа ва масалалари ва унинг фуқаро ва саноат бинолари қурилишидаги ўрни ва аҳамияти; товуш ҳақида умумий маълумотлар; реверберация; реверберация вақти ва уни ҳисоблаш; реверберация вақтини меъёрлаш; зал типигадаги хоналарнинг акустикаси; ҳисоблаш усуллари; зал типигадаги хоналарда кўриш ва кўриниш; кўриш ва кўринишнинг геометрик шартлари; биноларда шовқин тарқалиши хусусиятлари; шовқиннинг турлари; товуш изоляцияси; товуш изоляциясини меъёрлаш; тўсиқ конструкцияларини ҳаво шовқинидан изоляциялаш; конструкцияларни зарба шовқинига ҳисоблаш.

7.5.3 Умумқасбий фанлар мазмуни ва компонентлари

7.5.3.1. Архитектуравий ашёшунослик:

архитектура ашёларининг асосий хоссалари ва уларни аниқлаш, архитектура ашёларининг микро ва макроструктураси ва хоссалари, ашё мустаҳкамлигини бузмасдан

аниклаш усуллари, табиий тош ашёлари, рангли тошлардан фойдаланиш; қурилиш керамикаси буюмлари; шиша турлари ва буюмлари, ноорганик боғловчи моддалар, ҳавойи боғловчи моддалар таснифи, қурилиш оҳаги, қурилиш гипси ва у асосида тайёрланган архитектура қисмлари, портландцемент, рангли цемент, уни тайёрлашнинг энергия тежамкор технологиялари, цемент турлари; бетонлар, уларнинг таснифланиши, оддий оғир бетон, рангли бетонлар, бетонларни тайёрлаш учун материаллар, бетон қоришмаси ва бетоннинг хоссалари; енгил ва ячейкали бетонлар; маҳсус бетонлар; қурилиш қоришмалари, таснифи, қоришма хоссалари ва турлари; ёғоч қурилиш буюмлари, акустик ва иссиқни изоляцияловчи ашёлар, органик боғловчи моддалар ва улар асосидаги материаллар, полимер қурилиш ашёлари; қурилиш учун пластмасса буюм турлари; пардозлаш ашёлари; лок-бўёқ ашёлари, пигментлар ва бошқа таркибий қисмлар; металл қурилиш буюмлари; металл технологияси, хоссалари ва пайвадлаш усуллари; металл асосида тайёрланадиган архитектура қисмлари.

7.5.3.2. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси:

фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар усули; нукта, тўғри чизик ва текисликларнинг ўзаро тегишлигига оид масалалар, масалани ечиш алгоритмлари; ўлчамли аникланадиган (метрик) масалалар; ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари; кўпёкликлар, кўпёқликларни текислик ва тўғри чизиклар билан кесишуви; эгри чизиклар; сиртлар; айлананиш сиртлари; чизикли сиртлар; винтли сиртлар; циклик сиртлар; сиртдаги нукталар ва чизиклар, сиртларнинг кесишуви, ёйилма, умумлашган позицион масалалар; аксонометрик проекциялар; сонлар билан белгиланган проекциялар; топографик сирт; топографик сиртда позицион масалалар ечиш; тупроқ тўкиладиган ва кавлаб олинадиган жойлар; топографик сирт билан тўғри чизик ва текисликни кесишуви; перспектива; асосий маълумотлар; тўғри чизик ва нуктанинг перспективаси; фазовий геометрик шаклларни перспективаси; перспектива ясаш усуллари; радиал, архитекторлар ва тўр усуллари; соялар; нарсаларнинг ўз сояси ва тушувчи соялари; ёруглик нурининг йўналиши; ортогонал проекцияларда соялар; нукта, тўғри чизик ва текис шаклларни соялари; геометрик жисмларни ўз сояси ва тушувчи соялари; аксонометрияда соялар; ёруглик нурларининг йўналишини танлаш, геометрик жисмларнинг ўз сояси ва тушувчи соялар; перспективада соялар; ёруглик манбаининг тасвир текислигига нисбатан жойлашуви; кўпёклик ва эгри сиртларнинг ўз сояси ва тушган сояси;

муҳандислик графикасига кириш; растр ва вектор графикаси; техник таъминот; дастурий таъминот; AutoCAD график дастури; ишчи стол; менюлар; график примитивлар; чизиклар чизиш; абсолют, нисбий, кутбий ва цилиндрлик координаталар; айланалар, ёйлар ва эллипслар чизиш; кўпёкликлар, халкалар ва бўялган доираларни кўриш; муҳаррирлик воситалари: ўчириш, ўрин алмаштириш ва нусха олиш буйруқлари; мураккаб муҳаррирлик; матни расм ичига жойлаштириш; шрифтлар; қатламлар бўйича бўлиниш; чизик турларининг рангини ишлатиш; масштабни сошлаш ва чизма босмасини олиш; уч ўлчамли моделлаш; уч ўлчамли проекцияда кўриш нуктасини танлаш; планда кўришни ўрнатиш; камера ўрнатиш; уч ўлчамли ясашлар; қаттик жисмли объектларга материал бериш ва муҳаррирлаш; ёруглик манбаиларни ўрнатиш; фон яратиш; рендерлаш; расм файлларига ўтказиш ва нашр этиш.

3D Studio MAX дастури хақида тушунчалар; уч ўлчамли графика ва анимация асослари; интерфейс элементлари; моделлаш асослари; объектларни муҳаррирлаш; модификаторлар; Безье бўлақлари ва ҳар хил рационал В-сплайнлар асосида моделлаш; лофт буйругидан фойдаланиш; сахналар яратиш; ёруглик манбаи ва камералар билан ишлаш; материаллар билан ишлаш; сахналарни визуаллаштириш усуллари ўзлаштириш; анимация асослари.

ArchiCADга кириш; лойихани ишлаб чиқиш тартиби; ишшоат планини куриш; ишшотни лойихасини ишлаб чиқиш учун бинони моделидан фойдаланиш; том, зиналар, конструкциялар, қирқимларни бажариш; тасвирларни деталлаштириш ва параметрик визуализациялаш; улчамлар; қурилиш конструкцияларнинг тайёр элементлари

кутубхонасидан фойдаланиб, уч улчамли объектларни ясаш; ArhiCAD файлларини бошка программалар (AutoCAD) файллари билан жипслаштириш; лойиҳанинг сметасини тузиш.

Corel DRAW дастури; дастурнинг йуналишлиги; мақсад ва бажарадиган вазифалар; Corel DRAW хужжатлари; объектларни расмини солиш; оддий операциялар; объектларнинг ўзаро харақати; эгри чизикларни муҳаррирлаш; матнлар; макет; объектларни текслаш; босма; махсус эффектлар; куймалар: градиентлар, накшлар, текстуралар; шаффофлик; растрли графика.

7.5.3.3. Архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари:

архитектура тушунчаси; архитектурада мустаҳкамлик, фойдалилик ва бадийлик қондаларининг аҳамияти; архитектура тармоқлари; меъморий чизмаларнинг асосий турлари; ортогонал ва перспектив чизмалар; архитектуравий лойиҳалашнинг тарихий ривожланиш йўналишлари ва назарияси; лойиҳалашда фойдаланиладиган ўқув қуроллари; архитектурада устун-тўсили тизимнинг аҳамияти; кичик меъморий иншоот қисмларини ўлчаш, уларни масштабга тушириш ва крок чизиш усуллари; биноларнинг мусаввада лойиҳасини бажариш; биноларни ўлчашда фойдаланиладиган асбоблар; архитектурада композиция ва графиканинг аҳамияти; масштаб тушунчаси; академик бўяш машқи; сувбўёқ графикаси усуллари ва техникаси; меъморий лавҳанинг ортогонал чизмасини, тушувчи ва хусусий сояларни бўяш тартиби; тўғри ва эгри сиртли шаклларни чизиш ва бўяш услуби; меъморий шаклларни сувбўёқда бўяшда фазовий қисқариш, нур ва соя муносабати қонуниятлари; архитектуравий лавҳа тасвири; шрифтли композиция; шрифтлар эволюцияси; ҳарфларни чизиш технологияси; иншоот умумий кўринишининг тасвири; меъморий иншоотни перспективада тасвирлаш ва бўяш; бино перспективасини қуришда уфқ чизигини танлаш қондаси; перспектива қуришнинг тўрт усули; бино тарзи, тарҳи, умумий кўриниши, бош тарҳи ва қирқимини масштабда чизиш қонуниятлари; чизмаларни планшетда тўғри жойлаштириш услублари; чизмаларда чизикларнинг ингичка ёки қалинлиги хусусиятлари; ўлчамларни тўғри қўйиш ва энг мақбул қирқим чизигини танлаш қондалари; сояларни қуриш йўллари; архитектурада объектларнинг ёки шаклларнинг биринчи, иккинчи ва ҳоказо даражаларда бўлиши; ҳажмларни бўёв усуллари орқали ажратиш; инсон ва фазовий муҳит; меъморий ечимга таъсир этувчи омиллар: ижтимоий функционал, иқтисодий, табиий ва руҳий омиллар; архитектурада ижодий изланиш, ғоялаш ва клаузура бажариш хусусиятлари; кичик меъморий шакллар турлари; ички муҳитсиз кичик биноларни ва минимал функцияни бажарувчи ёпик иншоотларни лойиҳалаш; бинонинг эстетик, конструктив ва композицион ечимини уйғунлаштириш; ёруғ ва қоронғи хоналарни тўғри жойлаштиришнинг мақбул услублари; бино баландлиги ва хоналар майдонини тўғри танлаш; архитектуравий лойиҳалашда бино функциясининг экстерьерда акс этиши; бино режасини лойиҳалашда хоналарнинг функционал боғлиқлик жиҳатлари; бинолар композициясида миллий ва анъанавий услубларнинг акс этиши; лойиҳалашда шаклларнинг композицион яхлитлик қондалари ва ранглар аҳамияти; лойиҳаланаётган бинони ташқи муҳит (антураж) билан тўғри ташкил этиш; бино томини тўғри лойиҳалаш орқали сув йўлини ижобий ҳал этиш; биноларни жойлаштиришда ориентациянинг аҳамияти; хоналарга қуёш нурининг тушиш меъёрлари ва дераза ҳажмлари; хоналар сахнини ҳисоблаш; лойиҳаларда шартли белгилар ва қайдномаларни белгиланган стандартда бажариш усули; бино ташқи тарзи материалларини бўяш қондалари.

архитектуравий композиция тўғрисида тушунча; шаклларнинг геометрияси, фазодаги ўрни, катталиги ва массаси; архитектуравий композицияда клаузура ва макет ясаш усуллари; текислик ва юзадаги композициялар; масштаб ва нисбат; метр ва ритмнинг асосий қонуниятлари; контраст, нюанс ва айният, симметрия ва ассимметрия тушунчалари; ранглар ва уларнинг уйғунлиги; композициянинг асосий турлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги; фазовий муҳитли композициялар; тектоника тушунчаси; фронтал юзани ва ҳажмий шаклни ифодалаш; ҳандасавий уйғунлаштириш тўғрисида тушунча ва биноларда олтин нисбат қондалари; асосий конструктив (стержен, пластинка,

ҳажм) унсурлар хоссаларини ўрганиш; очик муҳитни уюштириш, ёниқ муҳитларни горизонтал ва вертикал боғлаш; ички муҳитни ташқи ҳажм ва теварак атроф билан уйғунлаштириш; бинолар функцияси, конструкцияси ва эстетикасини узвий шакллантириш.

7.5.3.4. Турар жой ва жамоат бинолари типологияси:

турар-жой, жамоат, саноат, маъмурий биноларнинг типологияка асослари, функционал – лойиҳавий, техник, иқтисодий ечимлари; турар жой ва жамоат биноларининг сонияли сифатлари, қурилиши параметрлари; ички муҳитни функционал шакллантириш тамойиллари; бино ва иншоотларнинг технологик, коммуникациявий боғлиқликлари тўғрисидаги тушунча; мавжуд бино ва иншоотларининг функционал ташкил қилиш бўйича таҳлил; архитектуравий-типологияк вазифаларни ечиш; хизмат кўрсатиш босқичлари, бино ва иншоотлар классификацияси, фуқаролик биноларнинг шаҳарда жойлашуви; жамоат ва маъмурий биноларнинг шаҳардаги доминантлик роли; турар-жойлар, хонадон таркиби, кам қаватли, ўрта қаватли, кўп қаватли, ячейкали, қиска муддатли турар-жой бинолари; ўқув-тарбия, томоша, илмий муассаса, спорт, соғломлаштириш, маъмурий, дамолиш бинолари.

7.5.3.5. Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи:

санъат тарихи: Умумжаҳон санъати. Қадимги Шарқ ва Эгей дунёси санъати. Антик дунё, Қадимги Ўрта Шарқ. Ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъати. XIV – XVII асрлар рус санъати. XVII аср Ғарбий Оврупо санъати. XVIII – XIX асрлар 1-ярми санъати. XIX аср 2-ярми – XX аср санъати.

Ўрта Осиё санъати. Ибтидоий жамоа давридаги санъат. Антик давр меъморчилик санъати. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар ва IX – XIII асрлар санъати. Темур ва темурийлар даври (XIV – XV асрлар) санъати. Ўрта Осиёнинг XVI – XX бошларидаги санъати. Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари санъати. Истиқлол йиллари санъати.

Архитектура тарихи: Ибтидоий жамоанинг қурилиш фаолияти. Қадимги давр архитектураси. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ва Япониянинг ўрта асрлар архитектураси. Ғарбий Оврупонинг романика ва готика архитектураси. Уйғониш даври архитектураси. Барокко архитектураси. Франция ренессанси даври. Франция классицизми давлари.

Шаҳарсозлик тарихи: Қадимги Шарқ ва Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарсозлиги. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарсозлиги. Антик даврдаги шаҳарсозлик. Ўрта асрлар шаҳарсозлиги. Уйғониш, Барокко ва Классицизм давлари. Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўрта асрлардаги шаҳарлари. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар ва ўрта асрлар шаҳарсозлиги.

XVIII-XIX аср 1-ярмида Ғарбий Оврупо (Франция, Олмония, Англия), Русия, Шимолий Америка ва Ўрта Осиё шаҳарсозлиги. XIX асрнинг 2-ярми – XX аср бошидаги шаҳарсозлик.

Ўрта Осиё архитектураси: Ўрта Осиёнинг илк давр меъморчилиги: энг илк (мил.ав.VIII асргача) ва илк давр (мил.ав.VIII-IV асрлар) босқичлари. Қадимги (аҳмонийлар) ва илк антик ва қушонлар даври меъморлиги (VI-VIII асрлар). IX-X асрлар меъморчилиги. XI-XII асрлар меъморчилиги. Бу даврдаги асосий меъморий мактаблар. XIII-XIV асрлар ўртасидаги меъморчилик. Амир Темур ва темурийлар даври меъморчилиги. XVI асрнинг 1-ярми меъморчилиги. Абдуллахон (XVI асрнинг 2-ярми) ва Аштархонийлар (XVII аср) даври меъморчилиги. Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Кўқон хонлиги меъморчиликлари. XIX аср охири – XX аср бошидаги меъморчилик. Анъанавий меъморчиликдаги ўзгаришлар.

Янги архитектура. Чет эл мамлакатлари замонавий архитектураси: Чет эл замонавий архитектурасининг шаклланиши. XIX асрда шаҳарлар тараққиётида Янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши. Архитектура янгиликлари марказининг Англиядан Америкага кўчиши. Чет эл архитектурасининг Биринчи жаҳон урушидан кейинги ривож. XX асрнинг 20-йилларида экспрессионизмнинг тикланиши ва унинг урушдан кейинги даврда тараққий этиши. Иккинчи жаҳон уруши оралиғи даврида АКШ архитектураси.

Қурилиш техникаси ва ишлаб чиқариш воситаларининг кескин ривож натижасида янги архитектура шакллари тарқалиши. XX аср 50-йилларнинг 2-ярмида Райт бошқарган "Узвий меъморлик" йўналишига бўлган қизиқиш ва рационализм архитектурасига кўрсатилган қарама-қаршиликлар. *Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари меъморлиги (XIX-XX асрлар)*: Ривожланиш давлари: 1865-1917, 1917-1932, 1932-1954, 1954-1977, 1977-1991 ва уларни XVII-XX асрлардаги эволюцияси. Ўзбекистоннинг икки қисмли шаҳарлари ва уларни бирлаштиришга қаратилган илк чоралар. Урбанизм ва дезурбанизм концепциялари. 1930-1950 йиллардаги тарихий шаҳарларни "чегаралаш" ва "портлатиш" концепциялари. Радиал-ҳалқасимон режалаштиришнинг тарқалиши. "Шарқ+классика" услуги. Европадан келтирилган микрорайон концепциясининг ўзгартирилиши. 1950-1980 йилларда Ўзбекистон меъморий услубларидаги интернационал, регионал ва миллий йўналишлар. Ўзбекистон Республикасининг "Қурилиш меъёрлари ва қоидаларида" Ўзбекистон шаҳарлари режаларини ривожлантириш истиқболлари

7.5.3.6. Транспорт ва муҳандислик ободонлаштириш:

шаҳарнинг транспорт ва инженерлик инфраструктураси; шаҳар кўчалари, йўллари ва транспорт; режа ва қирқим бўйича шаҳар кўчалари, йўллари ва транспортни лойihalаштириш; шаҳар кўчалари, йўллари ва транспортнинг вазифаларининг таснифи; шаҳар кўчалари ва йўлларини лойihalаштириш усуллари; йўлда транспорт ҳаракатларининг асосий назарияси; шаҳар кўчалари ва кўндаланг қирқимини лойihalаштириш; бўйлама ва ипчи кўндаланг қирқимларни лойihalаштириш; кўча ўтадиган жой бўйлаб ер сатҳини тайёрлаш; шаҳар йўллари ва кўчаларини ёритиш ва кўкаламзорлаштириш; шаҳар кўчалари ва йўлларини қуришнинг асосий услублари; ер ости коммуникацияси, ичимлик сув тармоқлари, оқова сув тармоқлари, иситиш тармоқлари, газ таъминоти тармоқлари, электр таъминоти тармоқлари, радио ва телефон тармоқлари; ер усти муҳандислик иншоотлари, спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, вертикал режалаштириш, шаҳарда кўча, майдон ва бошқа жойларни сунъий ёритиш, шаҳар ҳудудини кўкаламзорлаштириш, кичик меъморий элементлар ва транспорт инфраструктураси, кўча ва йўл тармоғининг таснифлари, ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш, турар жойларни ободонлаштириш, турар жойларни муҳандисона жиҳозлаш, транспорт инфраструктураси, транспорт тугунлари ва уларнинг ечимлари; бозор иқтисодиёти ва шаҳарларни муҳандисона ободонлаштириш, шаҳар ҳўжалигида иқтисодий ислохотларнинг янги тамойиллари ва йўллари, чет эл билан тажриба алмашиш.

7.5.3.7. Архитектуравий лойihalаш:

Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи қурилиш меъёрлари: ҚМК, ШНК, ҚМ, лойihalашга бўлган талаблар, бино ва иншоотларнинг функционал, типологик технологик тузилиши, мураккаб функционал ечимга эга бўлмаган биноларни архитектуравий ечими, ички муҳитга эга бўлган кичик бино лойihalаси, залли хонага эга бўлган кичик жамоат бинолар, бино ва иншоотларнинг архитектуравий шакллантириш, лойihalаш тизими, функция ва шакл, бадий композицион, конструктив тизим, кўрғонли турар уй биноси, хоналарнинг ўзаро боғланиши, лойihalашда оиланинг демографик структурасини ҳисобга олиш, лойihalавий ва конструктив ечимлар, конструктив тизимлар, схемалар, юк кўтарувчи конструкциялар, биноларни лойihalаш меъёрлари, кам қаватли, кўп қаватли ва баланд бинолар, жамоат биноларини лойihalаш меъёрлари ва қоидалар, маданий маърифий марказ биноси (таркибий қисми, технологик схемаси, классификацияси, бадий композицион ечими, ҳажмий-тархий ечими), ёшлар маркази, мураккаб бўлмаган саноат биноси (саноат биноси кўп қаватли, автомобил тураргоҳи биноси, енгил автомобилларни техник хизмат кўрсатиш биноси технологик схемаси, ҳажмий-тархий композицион ечими, конструктив схемаси ва турлари), ўрта қаватли бино, мактабгача таълим муассасалари бинолари, мактаб биноси (таълим муассасалар биноларини лойihalаш меъёрлари технология, лойihalавий талаблар, синф хоналарини жойлаштириш коммуникацияга оид

санитар гигиенавий ва техникавий хоналар жойлаштиришга талаблар, конструктив ечимлари.

Архитектура таълими ва архитектор академик даражаси; архитектор таълими концепцияси, архитекторни классификацион таснифи; архитектуравий лойиҳалаш фаолияти вазифаси ва мақсадлари; архитектуравий лойиҳалаш жараёни, ўқув ижодий жараён модели ва вариантли лойиҳалаш услублари; ижодий кидирув босқичлари, клаузура, эскиз – гоё, эскизлашни бошлангич даври; ижодий ишлаб чиқариш босқичлари, лойиҳани қаламда график бажариш, лойиҳа лавҳалари қисмини ишлаш; лойиҳани график расмийлаштириш, муҳитли моделлаш ёки макетлаш; объектни лойиҳалашнинг системали асоси, ички ва ташқи муҳитни ўзаро боғлиқлиги, функционал – лойиҳавий тизим, функционал ҳоналарни зоналаш; ҳажмий – муҳитли тизим, конструктив, эстетик, бадний восита ва қонуният, архитектуранинг бошқа санъат турлари ва уларни лойиҳалашга таъсири; муаммоли лойиҳалаш услуби, муҳитли лойиҳалаш, турар жой муҳити муаммоси, қишлоқ турар жой муаммоси, турар жой уйларида хизмат кўрсатиш объектлари; иклимий, ҳудудий лойиҳалаш услублари, турар жой ва иқлим, жанубий ҳудудларда лойиҳалаш, гелио уйлари лойиҳалаш, энергосамарадор уйлари лойиҳалаш, лойиҳалашда ёруғлик ва инсоляция; Ўрта Осиё иқлим шароитида лойиҳалаш, лойиҳалашда иссиқлик самарадорлиги, рельефни ишлатиш, замонавий конструктив системалардан фойдаланиш, лойиҳалашнинг замонавий услубларидан фойдаланиш истиқболлари, экспериментал лойиҳалаш, оптимал лойиҳалаш йўллари; битирув малака иши (лойиҳа) босқичлари, мавзунинг танлаш ва тасдиқлаш, лойиҳани бажариш тартиби, лойиҳалаш дастури – топшириғи, битирув малака ишини (лойиҳани) ташкиллаштириш, битирув малака ишини (лойиҳани) бажариш босқичлари.

Кўргазма зали бйноси: бинони лойиҳавий меъёрлари технологик схемаси, кенг муҳитни конструкциялар ва уларни турлари ҳажмий-тархий ва композицион – бадний ечими.

Бино ва иншоотларни архитектуравий фазовий шакли, архитектуравий лойиҳалашда шаҳарсозликдаги вазифаси, экологик талаблар, лойиҳалашда график ечим, лойиҳа компютер графикасини дастурларини қўллаш, лойиҳа босқичлари ва унга ижодий ёндашиш, эскиз гоё устида ишлаш, клаузура, архитектуравий муҳитни функционал ва ижодий ташкил этиш. Минора, кўприк ва тоннель шаклидаги иншоотлар архитектураси, енгил, озик овқат ва хизмат кўрсатиш кичик саноат корхона архитектураси, жамоат ва турар жой бино ва иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш архитектураси;

Қишлоқлар реконструкцияси муаммосининг аҳамияти, унинг мақсад ва вазифалари, реконструкциянинг асосий усуллари; қишлоқ ва – қишлоқ фуқоролари йигини реконструкция объекти сифатида; реконструкция қилинаётган қишлоқнинг лойиҳа олди таҳлили, реконструкция объектларини аниқлаш, қишлоқларнинг ўсиши ва ривожланишини реконструкция шароитларига таъсири; транспорт тизими ва реконструкцияси, инженер-техник инфраструктурасининг реконструкцияси; турар жой туманлари ва жамоат хизмат кўрсатиш тизимининг реконструкцияси, жамоат марказлари ва кўкаламзор қисмларни қайта тиклаш; ишлаб чиқариш ва коммунал-омбор қисмларининг реконструкцияси; тарихий ёдгорликлари бор қишлоқлар реконструкцияси, қўриқлаш ҳудудларини ташкил этиш, туризмни ривожлантириш масалалари, оммавий дам олиш ҳудудларини ташкил этиш; қишлоқлар бош режаларининг меъморий-бадний даражасини кўтариш, қишлоқларнинг маъморий-тархий реконструкцияси, унинг босқичлари; қишлоқлар реконструкциясининг меъморий-ташкилий вазифалари.

Шаҳарсозлик объектининг комплекс таҳлили ва ҳар бир аҳоли пункти, қишлоқ фуқоролари йигини ҳудудининг яқин 7-10 йил давомида умумий вакейинги 10-20 йиллар давомида истиқболли ривожланиши бўйича таклифларни ишлаб чиқиш; аҳоли сонининг яқин 7-10 йил давомида умумий ва кейинги 10-20 йиллар учун истиқболли ўсиш суръатларини лойиҳавий ҳисоб-китобини бажариш; шаҳарсозлик объектидақўшимча иш жойларини ташкил этиш бўйича таклифлар; шаҳарсозлик объекти ҳудудининг

муҳандислик инфратузилмасини такомиллаштириш, сув таъминоти ва канализация, газ ва иссиқлик таъминоти, электр энергия тизимларини амалга ошириш бўйича бажариладиган ишлар ҳажмини аниқлаш; уй жой объектлари қурилишини ривожлантириш; ижтимоий инфратузилма, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг тармоқларини ташкил этиш; маданий-маиший хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш; тиббий хизмат кўрсатишини ташкил этиш; рекреацион муассасалари тармоқларини ташкил этиш ва территориянинг эстетик сифатини ошириш бўйича таклифларини ишлаб чиқиш; транспорт ва инженерлик коммуникацияларини такомиллаштириш; экологик вазиятни яхшилаш, тарихий ва маданий обидалар, қийматга эга ландшафтлар ва сув ресурсларининг муҳофазаси, ердан оқилона фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

7.5.3.8. Газ ва иссиқлик таъминоти:

шахар газ тармоқлари. Газ қувурларининг синфларга бўлиниши. Халқасимон ва боши берк бўлган газ тармоқлари ташқи газ тармоғидаги қувурлар. Газ қувурларини жойлаштириш турлари. Иссиқликнинг асосий истеъмоли. Иссиқлик юктамаларининг йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича аниқлаш. Иссиқлик истеъмол қилиш графиклари. Сувли иссиқлик таъминоти тизимлари. Очiq ва ёпиқ тизимларнинг принципиал схемалари. Иссиқлик таъминоти тармоғидаги қувурлар конденсаторлар ва таянчлар. Ташқи иссиқлик тармоқларни жойлаштириш турлари.

7.5.3.9. Сув таъминоти ва канализация:

сув билан таъминлаш манбалари ва сувнинг истеъмоли, сув сарфини ҳисоблаш, сувнинг нисбий сарфи ва сарфлаш меъёрлари, сув истеъмолининг суткадаги ҳисобий сарфи миқдорини аниқлаш, сув таъминоти тизимлари ва уларнинг асосий элементлар, сувни узатиш ва тақсимлаш тизимлари, сув ўтказгич тармоқлари ва сув ўтказгичлар, сув ўтказгич тизимларининг гидравлик ҳисоби, сув таъминоти тизимларини мийнтаклаштириш, сув таъминоти тизимларини лойиҳалаш, сув таъминоти тизимларидаги арматуралар ва иншоотлар, оқова сувларни оқизиш тизимлари ва схемалари, оқова сувларни оқизиш тизимларини лойиҳалаш бўйича асосий кўрсатмалар, лойиҳалаштириш учун берилган кўрсаткичлар. аҳоли сонини аниқлаш, оқова сувларни оқизиш меъёрлари, оқоваларни оқизишда нотекислик коэффициенти, оқова сувларни оқизишнинг ҳисобий сарфларини аниқлаш, ташқи оқова сувларни оқизиш тармоқларини лойиҳалаш, оқова сувларни оқизиш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва коллекторлар, оқова сувларни оқизиш тизимларидаги иншоотлар, оқова сувларни оқизиш тизимларини қуриш, оқова сувларни оқизиш тизимларини бўлиш, қувурларни ётқизиш ва уларни улаш, элементлардан йиғилган коллекторларни ўрнатиш

7.5.3.10. Қаламтасвир, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик:

қаламтасвир тасвирий санъатнинг асоси; қаламтасвирнинг предмети ва методи, тасвирий ўқишнинг асоси, амалий малакага эга бўлиш, фазовийликни ҳис қилиш, перспектива, пропорциялар тушунчаси, тасвир этилаётган предметнинг ва предмет гуруҳларининг шакли ва ҳажми; тасвирда актив ва пассив методлар; тасвир воситалари ва чизиш усуллари; кийимдаги фигуранинг чизмалари ва драпировка ёрдамида чизиш, тасвир этилаётган фигурани бадний ечими; чизмалардан бирликка бориш методи; предметларни фазовийликдаги гарфик тасвирини перспектив қисқартириш қонунидан фойдаланиш; тусли перспектива қонуларидан фойдаланиш; ёруғлик-тусли графика усулларини ўрганиш; акс этиш қонуларини ўрганиш; инсонни биомухитда тасвирлашда график усуллар; тасвур этиш асосида график фазовийликни яратишга композицион ёндошиш; ҳаёлан яратилган фазовийликка ва объектларга ижодий тамойиллар; нафақат кўриш орқали тасвирлаш, ҳаёлан тасвирлашни ҳам билиш.

Рангтасвир тасвирий санъатнинг бир кўриниши сифатида; рангтасвирнинг турли техникалари: темперали, акварелли, гуашли; рангтасвир техникаси усулларини ўрганиш; актив, эркин ва ранг билан чуқур эътибор бериш; композицион рангтасвир асарларида колористиканинг ечими, таркатовка шакллар масаласи; предметларга ёруғлик тушганда

локал рангларнинг ўзгариши; рангдаги перспектива; рангли ва тусли муносабат, фактура; натюрморт рангтаасвирдаги жанр сифатида; натюрморт жанрининг ривожланиш тарихи; акварел билан ўқув этюдига кириш методикаси; натюрморт этюдларини яқинлаштириш ва контрастли рангли туслар; амалиётда натюрмортни форэскиз методидан бошлаб (композицион вариантлар) ишни тугатиш, контр-ажур ва унинг қонунларига ўргатиш методикасига яқинлаштириш; портрет рангтаасвири жанри сифатида, рангли ва тусли шаклни портретда ясаш; колористик ечим; натурани бош кийимда чизиш этюди, ярим фигурани кийимда ва замонавий костюмда таасвирлаш устида ишлаш.

Ҳайкалтарошликнинг асосий хом ашёлари; ҳайкалтарошлик нусхаларини қогозда лойиҳалаш; инсон бошининг гипсда намунасини ясаш; ҳайкалтарошлик шаклининг стилизацияси; қобирғани тайёрлаш; гипс билан ишлаш, қолиплаш тушунчаси (хом қолип ва бўлаклар); гипсда қолиплаш ва ҳайкални пардозлаш, юмшоқ ашёлар (лой, пластилин) ва қаттиқ (ёғоч, тош) ашёларда ишлаш; гипсдан қолиплаш ва қуйиш.

7.5.3.11. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги:

инсон ва яшаш муҳити: меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар, антропоген омиллар объекти, ишлаб чиқариш муҳитининг микроклим кўрсаткичлари, ҳавони ифлослантирувчи объектлар, механик ва акустик тебранишлар, электромагнит майдони ва нонли нурланишлар, электр ток таъсири;

хавфсизлик: техника тизимларининг хавфсизлиги ва экологиклиги, фавқулодда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнгин хавфсизлиги;

меҳнат хавфсизлиги: Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш тиббиёти ва ёнгин хавфсизлиги бўйича қонунчилик асослари; меҳнат жараёнида инсон хавфсизлигини, соғлигини ва ишга лаёқатлилигини таъминлашга қаратилган методик чораларни ишлаб чиқиш; меҳнатнинг психофизиологик асослари, инсон танасининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичлари ва уларни ишлаб чиқариш фаолияти шароитларига мослиги; меҳнат хавфсизлиги бўйича мутахассисларга бўлган талаб даражаси.

7.5.3.12. Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморчилиги:

мустақиллик йилларида архитектура ва шаҳарсозликнинг янги босқичдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқлиги. Шаҳарсозлик ва архитектура бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор Фармон ва Қарорлари. Қадимий шаҳарларнинг янги қиёфаси, уларнинг бош режалари. Шаҳар марказларининг қайта қурилиши, янги шаҳарлар ва уларнинг тараққиёти. Тарихий обидалар, мемориал мажмуаларнинг шаҳарлардаги аҳамияти. Йирик жамоат ва маъмурий бинолар архитектураси. Оммавий жамоат бинолари архитектураси. Турар-жой бинолари архитектураси. Муҳандислик иншоотлар архитектураси. Бог-роғ ва ландшафт архитектураси. Ўзбекистон истиқлол йиллари меъморчилигида санъатлар уйғунлиги, халқ усталари ва рассомлар ижоди. Назарий услублар ва йўналишлар. Меъморий услубларнинг мустақиллик йилларида янгилиниши.

7.5.3.13. Қурилиш жараёнлари технологияси:

қурилиш жараёнлари технологияси бўйича асосий тушунчалар ва қоидалар; қурилиш технологияларини лойиҳалаш; қурилиш майдонининг инженер тайёргарлиги: грунтга ишлов бериш технологияси; пойдеворларни қуриш технологияси; гипс-тош териш технологияси; қурилиш конструкцияларини монтажи технологиясининг асосий принциплари; саноат ва фуқаро бинолари конструкцияларини монтажи; монолит бетон ва темирбетон технологияси; химоя қопламаларини барпо этиш технологияси; том қопламаларини барпо этиш технологияси, гидроизоляция қопламаларни барпо этиш технологияси, иссиқизоляция қопламаларни барпо этиш технологияси, антикоррозион қопламаларни бажариш ишлари; пардоз қопламалари ишларини бажариш технологияси; ойна солиш жараёнларини технологияси; сувоқ жараёнлари технологияси; юзаларни қошйлаш жараёнлари технологияси; осма шипларни қуриш технологияси. юзаларни бўёклаш ва елимлаш технологияси; пол қопламаларини қуриш технологияси.

7.5.3.14. Қурилиш конструкцияси:

архитектуравий конструкциялар фанининг моҳияти, тушунчалари ва масалалари, архитектура-қурилиш лойиҳалаш асослари, бинолар тўғрисида тушунча, биноларга қўйиладиган талаблар ва уларнинг таснифи, лойиҳавий ва конструктив ечимлар, биноларнинг асосий конструктив элементлари, биноларнинг конструктив система ва схемалари; биноларини лойиҳалаш меъёрлари ва қоидалари, ҳажмий-режалашга оид ечимларга қўйилган талаблар; хонадонларни лойиҳалаш меъёрлари, кам қаватли биноларини лойиҳалаш меъёрлари ва қоидалар, таснифланиши; жамоат замин ва пойдеворлар, деворлар ва алоҳида таянчлар, ораёпмалар ва поллар, пардеворлар, дераза ва эшиклар; том ёпмалар, зиналар ва пандуслар; йирик блокли бинолар, уларнинг конструктив схемалари ва турлари; йирик панелли бинолар, деворий панелларнинг конструктив схемалари, деворий панелларнинг уланиш жойлари, синч-панелли бинолар, тайёр хоналардан қурилган ҳажм блокли бинолар, ҳажмий блок турлари, ҳажмий блоklarнинг конструктив ечими, яхлит бетонли бинолар, яхлит бетонли биноларнинг конструктив схемалари, фазовий конструкциялар;

қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш асослари. Қурилиш конструкцияларини ҳисоблашнинг мақсади ва вазифалари. Юклар ва таъсирлар. Темирбетоннинг моҳияти. Бетоннинг физик-механик хоссалари. Арматуранинг физик-механик хоссалари, таснифи. Бетон ва арматуранинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари. Темирбетон конструкцияларини чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблаш. Темирбетон конструкцияларининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатининг уч босқичи. Олдиндан зўриктирилган темирбетон моҳияти. Эгилишга ишлайдиган темирбетон конструкциялар тўғрисида умумий тушунчалар. Эгилишга ишлайдиган темирбетон конструкциялар нормал ва оғма кесимлар бўйича ҳисоблаш. Сикилишга ишлайдиган темирбетон конструкциялар тўғрисида умумий тушунчалар ва уларни ҳисоблаш. Зилзилабардош бинолар конструкциялари, Зилзилабардош биноларни лойиҳалашнинг умумий қоидалари, Каркасли биноларнинг антисейсмик чоклари, Биноларни сейсмик кучлар таъсирига ҳисоблашнинг асосий қоидалари.

Металл конструкцияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ишлатилиш соҳалари. Металл конструкцияларда ишлатиладиган материалларнинг асосий хусусиятлари. Пулатнинг статикюк остида ишлаши. Металл конструкцияларни чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш. Эгилишга ишлайдиган элементларни ҳисоблаш. Марказий чўзилган, сикилган элементларни ҳисоблаш. Сортамент профилларни асосий тафсиғномаси. Металл конструкциялар бирикмалари. Пайвандлаш усуллари. Пайванд бирикмаларнинг хиллари. Пайванд бирикмаларни ҳисоблаш. Болтли ва парчин миҳли бирикмалар. Металл тўсинлар ва тўсинли конструкциялар. Металл устунлар ва уларнинг бош, стержен ва асос қисимлари. Металл фермалар.

7.5.3.15. Тармоқ иқтисодиёти ва менежмент:

қурилиш тармоғининг мамлакатимиз иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти; капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва муаммолари; баҳони шакллантиришнинг умумий масалалари; қурилишда нархларни шакллантириш усуллари; иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция сиёсати; давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш; Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларини шакллантириш; инвестицион-қурилиш фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши; Ўзбекистон Республикасида капитал қурилишда баҳони шакллантириш сиёсати. қурилиш ташкилотида ишлаб чиқаришни ташкил этиш иқтисоди ва режалаштириш; қурилиш корхонасининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳияти ҳамда ундан оқилона фойдаланиш йўллари; қурилиш корхонаси асосий фондлари ва айланма маблағлари; қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш харажатларини шакллантириш. қурилишда меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги; асосий иш хақи харажатлари ва уларни шакллантиришга таъсир қилувчи омидлар; қурилишда меҳнат

муносабатлари ва кадрлар салоҳитини такомиллаштириш муаммолари; қурилишда меҳнатга ҳақ тўлаш; қурилиш индустриясини корхоналарини модернизациялаш; қурилишни бошқаришнинг замонавий тизими; корхоналар моддий-техника базасини ривожлантириш; қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари; ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари; қурилишда ишлаб чиқаришнинг концентрациялаш; қурилиш соҳасида ихтисослаштириш ва кооперациялаш; қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари қурилиш объектлари смета қийматини шакллантириш; қурилиш маҳсулотининг таннархи; фойда ва рентабеллик; қурилишни лойиҳалаштириш иқтисодиёти; қурилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни ҳисоблаш; қурилишда лойиҳа ечимларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш; буюртмачининг бошқа харажатлари, капитал қурилишда шартнома муносабатлари ва тендер савдолари; капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби.

7.5.3.16. Шаҳарсозлик асослари:

аҳоли яшаш жойларини лойиҳалаш; аҳоли жойлашуви, туман режалаштириш тамойиллари, урбанизация муаммолари; шаҳар аҳолиси яшаш ҳудудлари; ишлаб чиқариш, дам олиш қисмларини лойиҳалаш; Ўзбекистон аҳоли яшаш жойлари ва шаҳарсозлигининг долзарб масалалари; аҳоли жойлашиши турлари ва шакллари; шаҳар ва қишлоқ аҳолиси жойлашишининг ўзаро боғлиқлиги; аҳоли яшаш жойининг регионал тизимлари; аҳоли яшаш жойлари гуруҳлари тизими; шаклланган қишлоқ аҳоли яшаш жойларини қайта ташкил қилиш; туманни режалаштириш; ҳудудларни ва табиий бойликларни ҳар томонлама баҳолаш; меҳнат ресурслари ва инфраструктура; аҳоли жойлашишининг янги шакллари; шаҳар ривожланиши келажакни кўра билиш усуллари; шаҳар келажак аҳолиси сонининг меҳнат балансини аниқлаш; аҳолининг шаҳар ташкил қилувчи хизмат кўрсатувчи ва мустақил бўлмаган гуруҳларга бўлиниши; аҳоли гуруҳларининг миқдорий нисбати; аҳоли жойлашиш тизимида шаҳарни шакллантириш; аҳоли жойлашиш тизимларини шакллантиришнинг асосий омиллари; Ўзбекистон шаҳарларида марказларни жойлаштиришнинг қисқача тавсифи; шаҳар маркази тизимида кўкаламзорларнинг ўрни; маҳобатли ва декоратив ҳайкалларнинг марказ ансамблидаги ўрни ва аҳамияти; кичик архитектуравий шаклларнинг шаҳар марказини шакллантиришдаги ўрни; майдонлар ва пиёдалар йўлакчаларининг қопламалари.

7.5.3.17. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиши ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.4. Ихтисослик фанлари блоқи мазмуни ва компонентлари

7.5.4.1 Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш:

қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудуди, қишлоқ хўжалик корхонаси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши турлари, саноат, ташки ва ички инфратузилма объектлари, аҳолининг яшайдиган, меҳнат қиладиган ва дам оладиган жойлари; ҳудудни иқтисодий ва экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда режалаштириш; қишлоқ аҳоли пунктларини режалаштиришни ва ташкил қилиш лойиҳаси, ҳудуднинг тархий таркиби ва функционал қисмларга бўлиш; аҳоли яшайдиган қисм, жамоат марказлари, кўкаламзорлар, ишлаб чиқариш қисмлари, коммунал – омбор қисми; ҳудудни меъморий – композицион ташкил этиш, ландшафт – эстетик масалалар, табиий каркасни ривожлантириш муаммолари; қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этишда транспорт ва инженерлик тармоқларини ишлаб чиқиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; турар жой мажмуаларини, жамоат марказларини, ишлаб чиқариш қисмларини муфассал режалаштириш; аҳоли яшовчи қисмининг таркиби ва унсурлари, йўл коммуникациялари тизими; умумфойдаланиш кўкаламзорлари тизими. ⁰ *Транспорт ва пиёдалар харажатларга*

талаблар; бирламчи турар жой бирликлари; турар-жой бирликларининг мазмуни ва функциялари.

Аҳоли пунктлари жамоа марказлари ривожланишига энг кўп таъсир кўрсатадиган мамлакатлар боғ ва парклари шаклланиши тажрибаси; аҳоли пунктлари жамоа марказлари шаклланишини асосий босқичлари; аҳоли пунктлари жамоа марказлари асосий стиллари, у ёки бу мамлакат регионал хусусиятларидан келиб чиқиб, аҳоли пунктлари жамоа марказлари стиллари ва ташкил этиш тамойилларига таъсир этувчи омиллар; маҳаллий регион шароитида аҳоли пунктлари жамоа марказлари ташкил этишга таъсир этувчи омиллар; аҳоли пунктлари жамоа марказлари эволюцияси ва унинг замонавий боғ-парклар стилларини ривожлантиришдаги роли; аҳоли пунктлари жамоа марказлари ландшафт асосий элементларини функционал қисмларга бўлиш, тархий ташкил этиш асосий тамойиллари; аҳоли пунктлари жамоа марказлари стилларини аниқлаш ва улардан боғ ва парклар замонавий тажрибасида фойдаланиш; аҳоли пунктлари жамоа марказлари шакллантириш тархий ва замонавий усулларини мамлакатимиз боғ-парк лойиҳалаштиришда ва қуришда қўллаш; аҳоли пунктлари жамоа марказлари ландшафтини шакллантиришга таъсир этувчи омилларга ҳисобга олиш; олинган билимларни аҳоли пунктлари жамоа марказлари лойиҳалаш ва қуриш амалиётида фойдаланиш; аҳоли пунктлари жамоа марказлари стилларни пайдо бўлиши ва риводланиш сабаблари ва оқибатларини таҳлил қилиш; мамлакатимизнинг боғдорчилик ва парк қурилиш амалиётида боғ ва парклар шаклланиши тарихий тажрибасидан фойдаланиш.

7.5.4.2 Агросаноат мажмуасини лойиҳалаш:

агросаноат мажмуасининг ердан фойдаланиш схемаси, асосий функционал қисмларга ажратиш; бош тархни комплекс режалаштириш таркиби; агросаноат мажмуаси таркибини лойиҳалаш, қишлоқ таркибини лойиҳалашда ҳудудни таркибий қисмларга ажратиш; ташқи ва ички алоқаларни таъминлаш, санитар-гигиенк меъёрларини назорат қилиш, технологик талаблар; функционал қисмларга ажратиш: аҳоли яшайдиган, ишлаб чиқариш, жамоат маркази, кўкаламзор ҳудудлар, ташқи транспорт қисмлари; ҳудудни меъморий – композицион ташкил этиш, ландшафт – эстетик масалалар, табиий каркасни ривожлантириш муаммолари; қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этишда транспорт ва инженерлик тармоқларини ишлаб чиқиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари; аҳоли яшовчи қисмининг таркиби ва унсурлари, йўл коммуникациялари тизими; умумфойдаланиш кўкаламзорлари тизими, транспорт ва пиёда ҳаракатларга талаблар; бирламчи турар жой бирликлари; турар-жой бирликларининг мазмуни ва функциялари.

7.5.4.3 Турар жой туманини лойиҳалаш:

тураржой тумани мажмуа лойиҳаси асослари; тураржой тумани асосий функционал қисмлар, аҳоли сони, марказлар, боғча, мактаб ва парк ва боғларини ҳажмини ҳисоблаш ва норматив талабар бўйича жойлаштириш, тумани режавий ечимлар чизмаси; Тураржой ҳисоблаш усуллари; аҳоли жойлашиш тизимларини шакллантиришнинг асосий омиллари; асосий режалаштириш тамойиллари; ҳудудларни аниқ функционал қисмларга бўлиш; шаҳарнинг аҳоли яшаш қисмини табиий ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда бўлақларга бўлиш тамойиллари; шаҳар аҳоли яшовчи қисмининг архитектура-режавий тузилиши; аҳоли яшовчи қисмининг таркиби ва унсурлари, йўл коммуникациялари тизими; умумфойдаланиш кўкаламзорлари тизими, транспорт ва пиёда ҳаракатларга талаблар; бирламчи турар жой бирликлари; турар-жой бирликларининг мазмуни ва функциялари; даҳа, гузар ва маҳалла-Ўзбекистан шаҳарларида тарихий шаклланган турар жой бирликлари; аҳоли сони; турар жой бинолари қаватларининг аҳамияти; турар жой қурилиши чегараларини аниқлаш; турар жойларни кўча ва йўлларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш; пиёдалар йўлакларини, уларнинг турлари ва жойлашуви;

7.5.4.4. Ландшафт архитектураси:

ландшафт архитектурасининг вазифаси ва аҳамияти; ландшафт турларида тушунча; табиий антропоген ландшафтлар; қишлоқ хўжалик, урмончилик, сув ҳавзалари, техноген,

саноат турар жой, урбаник ландшафтлар; боғдорчилик ва боғ санъати ландшафтлари; ландшафт архитектурасининг ривожланиш тамойиллари; антик ва қадимий давр боғдорчилик санъати. Ўрта асрда боғдорчилик ва боғ санъати; XX аср охири XXI аср биринчи ярми ландшафт санъати; замонавий ландшафт архитектурасининг ижтимоий, табиат муҳофазаси ва эстетик вазифалари; ландшафт архитектурасининг чет-эл ва ватанимиз тажрибаси; ландшафт архитектураси объектлари шаклланишида ўсимликлар роли ва аҳамияти; ландшафт архитектурасида қўлланиладиган дарахт, бута ва гулли ўсимликларнинг турлари; маконни ташкил этиш; макон турлари: ёпик ва ярим ёпик, ўртача макон; доминант композицион тугунлар; акцентлар; алоҳида қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги; мувозанат, ритм, ўсиб боришлик, кескин фарқ, қутилмаган эффектлар тушунчалари.

7.5.4.5. Танлов фанлари

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланиб, талабалар уларнинг ичидан қизиқиш ва мойилликларига мос келадиганларини танлаб ўқийдилар.

7.5.5 Малака амалиёти

Геодезик амалиёти:

Геодезик ўлчов асбоблар билан танишиш, геодезик координатлар, типографик харита, ажратилган участка координати, геодезик ўлчов иши, ҳисоблаш услублари геодезик тарх олиш асоси, ер устки қисмини ҳисобга олиш типографик картани химоя қилиш.

Танишув амалиёти:

Замонавий бино ва иншоотларни, тарихий обидаларни кузатиш, уларнинг бадиий композицион тузилмаларини таҳлил қилиш, замонавий қурилиш технологиялари, қурилиш ашёлари билан дастлабки танишиш, биноларнинг атроф муҳитлари, ландшафт тузилмаларини кузатиш ва ўрганиш.

Ёдгорларни таъмирлаш назарияси асосида ёдгорликларни ўлчаш, ёдгорликлар билан танишиш, танланган объектлар устида ишлаш, танланган деталларни калкага тушуриш, таъмирлаш ва ўлчов нисбатлар асосида лойиҳалаш, рангларни танлаш, чизмаларни график усулда бўяш, ўлчов ишларига ишлов бериш.

Технологик амалиёти:

Шаҳар режавий структурасини, турар-жой гуруҳининг режавий ечимини, шаҳарнинг саноат ва бошқа функционал зоналарини ўрганиш; бино ва иншоотларни, шаҳар ҳудудини инженерлик ободонлашувини ўрганиш; шаҳарсозлик йўналишидаги лойиҳа ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан танишиш; қурилиш ишлаб чиқаришидаги меҳнат ҳавфсизлигини таъминловчи усуллар, қурилиш ташкилотида қабул қилинган техник ҳужжатлар, бошқарув тизими ва уларнинг моддий-техник базасини ўрганиш.

Лойиҳа амалиёти:

Талабалар лойиҳа амалиётида талабалар битирув малака иши мавзуси бўйича олган мавзуларни материаллар тўплаш, лойиҳа –илмий тадқиқот институтларида ишлаш, етакчи архитекторлардан маслаҳат олиш, бажарилаётган реал лойиҳалар билан яқиндан танишиш; лойиҳалаш малакасини ошириш учун зарур бўлган лойиҳа ишига тайёргарлик кўриш, лойиҳалаш институтларининг маъмурий тартибини ва лойиҳа ишини тайёрланишини ўрганиш, лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиш, лойиҳа – конструктив ишлар билан танишиш, лойиҳа ишларидан иштирок этиш; талабалар лойиҳалаш малакасини ошириш учун зарур бўлган лойиҳа ишига тайёрлаш, технологик лойиҳалаш корхоналарнинг маъмурий тартибини ва лойиҳа ишини тайёрланишини ўрганиш, лойиҳа ҳужжатларидан фойдаланиш, лойиҳа – конструктив ишлар билан танишиш, лойиҳа ишларидан иштирок этиш; талабалар лойиҳа амалиёти даврида малакавий битирув иши мавзуси бўйича тўпланган маълумотларни битирув олди амалиёти даврида қўшимча равишда махсус фанлар бўйича мутахассислар билан бевосита битирув иши раҳбари қўл остида олиб борилади ва ушбу тўпланган маълумотлар битирув иши (лойиҳа) да ўз аксини топиши лозим.

7.5.6 Битирув иши (лойиха):

Битирув иши (лойиха) мавзулари таълим муассасасининг битирувчиларини чиқарувчи кафедралари томонидан мутахассисларга талабгорларнинг талабларини, шунингдек замонавий фан, техника, технологиялар ютуқларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Битирув иши лойиҳаларининг мавзуси архитектуравий ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши мумкин.

Талабага битирув иши(лойиха)си топшириги, одатда, у тўртинчи курсни тугатгандан сўнг берилади.Битирув иши (лойиха) умумқасбий ва ихтисослик фанларни талаба ўзлаштириб боргани сари бешинчи курс мобайнида, шунингдек, мазкур стандартда бажариш учун ажратилган вақт мобайнида бажарилади.

8.Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар**8.1 Бакалаврият таълим дастурини ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар**

8.1.1 Таълим дастурини ишлаб чиқишдан олдин ОТМ асосий таълим дастурининг ҳам тарбиявий жабҳадаги ва ҳам ўқитиш жабҳасидаги асосий мақсадини аниқлай олиши керак, у тайёрлаш спецификаси, йўналиши ва профилини ҳамда илмий мактаблар хусусиятларини, меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олиши керак.

Олий таълим муассасалари асосий таълим дастурини фан, техника, маданият, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий жабҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туришга мажбурлар.

8.1.2 Бакалаврият дастурини ишлаб чиқишда ОТМнинг битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолиятлий тавсиядаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга мажбур.

ОТМ ўқув жараёнининг ижтимоий-тарбиявий компонентини ривожлантиришга кўмаклашишга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий клубларда, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашишга мажбур.

8.1.3 Ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларини ўтказиш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш назарда тутилиши керак.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

8.1.4 Талабалар ўқув юкмасининг максимал ҳажми асосий таълим дастури ва таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) ўқув ишлари билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

8.1.5 ОТМ талабаларга ўзларининг ўқиш дастурини, бўлиши мумкин бўлган индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга мажбур.

8.1.6 Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар танлаб олган фан (модул, курс)лар улар учун мажбурий бўлиб қолишини тушунтиришга мажбур.

8.1.7 Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни камраб олиши керак.

8.2 Таълим дастурларининг тадбиқ этилиши

5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш таълим дастури ривожлантирувчи ўқитиш, ахборот технологиялар ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланилган ҳолда тайёрлашнинг ушбу йўналиши бўйича аккредитация қилинган олий таълим муассасаларида амалга оширилиши керак.

Талабалар хорижий тилларни ўзлаштириши, хорижий тилларни ўқитувчилар ўқитиши ҳамда бунинг учун зарур бўлган шароитлар яратилиши бакалаврларни тайёрлашда бош вазифа бўлиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва ИТИларда ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (ижтимоий-гуманитар курс ва хорижий тил бўйича) топширади ва битирув иши(лойҳаси)ни ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос интеграллашган курслар бўйича ўқув жараёни тугалланганлиги заҳоти топширилади.

8.3 Малака амалиётини ташкил этиш талаблари

Амалиётлар бакалаврият асосий таълим дастурининг мажбурий бўлаги ҳисобланади. У ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машғулоти кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури— ўқув-танишув, ўлчов амалиёти, геодезик амалиёт, технологик, лойиҳалаш амалиётларини ўз ичига олади.

Ўқишнинг биринчи йилида танишув ва геодезик амалиётлар ўтказилади, мақсад – талабаларни олий таълим муассасаси, янги қурилган ва қурилаётган бинолар, архитектура ёдгорликлари, лойиҳалаш институтлари ва талабаларни мос профилдаги муассасаларга ишга жойлаштириш имкониятлари билан таништиришдир. Амалиёт натижаси зачет билан баҳоланади.

Геодезик амалиётда геодезик ўлчов асбоблар билан танишиш, геодезик координатлар, типографик харита, ажратилган участка координати, геодезик ўлчов иши, ҳисоблаш услублари геодезик тарх олиш асоси, ер устки қисмини ҳисобга олиш типографик картани ҳимоя қилиш. Амалиёт натижаси зачет билан баҳоланади.

Ўлчов амалиётида ёдгорларни таъмирлаш назарияси асосида ёдгорликларни ўлчаш, ёдгорликлар билан танишиш, танланган объектлар устида ишлаш, танланган деталларни калкага тушуриш, таъмирлаш ва ўлчов нисбатлар асосида лойиҳалаш, рангларни танлаш, чизмаларни график усулда бўяш, ўлчов ишларига ишлов бериш билан яқунланади. Амалиёт натижаси зачет билан баҳоланади.

Технологик амалиётида шаҳар режавий структурасини, турар-жой гуруҳининг режавий ечимини, шаҳарнинг саноат ва бошқа функционал зоналарини ўрганиш; бино ва иншоотларни, шаҳар ҳудудини инженерлик ободонлашувини ўрганиш; шаҳарсозлик йўналишидаги лойиҳа ва илмий-тадқиқод ташкилотлари билан танишиш; қурилиш ишлаб чиқаришидаги меҳнат ҳавфсизлигини таъминловчи усуллар, қурилиш ташкилотиде қабул қилинган техник ҳужжатлар, бошқарув тизими ва уларнинг моддий-техник базасини ўрганишдан иборат. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларида таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Лойihalash амалиётида талабалар лойihalash малакасини ошириш учун зарур бўлган лойиха ишига тайёрлаш, технологик лойihalash корхоналарнинг маъмурий тартибини ва лойиха ишини тайёрланишини ўрганиш, лойиха ҳужжатларидан фойдаланиш, лойиха – конструктив ишлар билан танишиш, лойиха ишларидан иштирок этишдан иборат Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакиллари билан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

8.4 Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва қўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди вадцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалаврият ўқув жараёни илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Бакалаврият таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари лозим.

8.5 Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклландиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда таълим дастурига кирувчи касбий циклни ҳар бир фани бўйича ўқув ва ўқув-услубий чоп этилган ёки электрон шаклдаги нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди охириги 10 йилда (гуманитар, ижтимоий ва иқтисодий циклни базавий фанлари учун – охириги 5 йилда) чоп этилган ҳамма цикларнинг базавий қисми фанлари бўйича ўқув адабиётининг чоп этилган ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМнинг АРМда таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар (камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасидаги ва хорижий давлатлардаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва кидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

5341000 – Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойихавий ташкил этиш таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ўқитишнинг интерфаол методи,
- муаммоли ўқитиш технологияси,
- ўйинли технологиялар,
- танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари,
- шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар,
- ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар,
- ўқитишни дифференциациялаш,

- ўқитишни индивидуallasштириш технологияси,
- дастурий ўқитиш технологияси,
- ўқитишнинг комплекс методлари (лойихавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум, ассоциограммалар методи ва ҳ.к.)

8.6 Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг асосий таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган ва амалдаги санитар ва ёнгинага қарши қондалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак; бу моддий-техник база фанлар ва фанлараро тайёргарликнинг ҳамма турларини, талабаларнинг лаборатория, амалий ва илмий-тадқиқот иши ўтказилишини таъминлаши керак.

Бакалавр таълим дастурини амалга ошириш учун ОТМнинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

- маъруза (поток ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
- семинар ва амалий машғулотлари учун аудиториялар билан;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар билан;
- ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;
- амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;
- интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;
- семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

9.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш куйидагилардан иборат:

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича яқуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

давлат-жамоат назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ тартибга солинади.

9.3. ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

9.4. Яқуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

9.5. Олий таълим муассасаси:

- ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;
- профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;
- ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

10. Эслатма

10.1. Олий таълим муассасасига:

- ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкласини оширмасдан ўқув материални ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокка кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;
- ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;

10.2 Курс ишлари (лойиҳалари) муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.

10.3 ДТС ни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

10.4 5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкласи -32 соат бўлган структура асосида ишлаб чиқилади.

11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

11.1 ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

11.2 Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТС нинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

5341000 - Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т.р.	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1704
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	1027
2.01	Олий математика	74
2.02	Информатика ва ахборот технологиялари	294
2.03	Мухандислик геодезияси	73
2.04	Амалий механика	294
2.05	Экология	146
2.06	Архитектуравий физика	146
3.00	Умумқасбий фанлар	4074
3.01	Архитектуравий ашёшунослик	87
3.02	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	235
3.03	Архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари	580
3.04	Турар жой ва жамоат бинолари типологияси	80
3.05	Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи	350
3.06	Транспорт ва муҳандислик ободонлаштириш	120
3.07	Архитектуравий лойиҳалаш	1292
3.08	Газ ва иссиқлик таъминоти	60
3.09	Сув таъминоти ва канализация	60
3.10	Қаламтаъсир, рангтаъсир ва ҳайкалтарошлик	348
3.11	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	60
3.12	Ўзбекистон истиклол йиллари меъморчилиги	60
3.13	Қурилиш жараёнлари технологияси	60
3.14	Қурилиш конструкцияси	235
3.15	Тармоқ иқтисодиёти ва менежмент	60
3.16	Шаҳарсозлик асослари	120
3.17	Танлов фанлар	267
4.00	Ихтисослик фанлари	822
4.01	Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш	310
4.02	Агросаноат мажмуасини лойиҳалаш	118
4.03	Турар жой туманини лойиҳалаш	118
4.04	Ландшафт архитектураси	191
4.05	Танлов фанлар	85
5.00	Қўшимча фанлар	581
	Жами	8208
	Малака амалиёти	756
	Битирув иши(лойиҳа)	324
	Аттестация	1080
	Жами	2160
	ҲАММАСИ	10368

Эслатма: Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

архитектура, функция, конструкция, эстетика, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий ташкиллаштириш, қишлоқ поселкаларини, бино ва иншоотларини лойihalаш, турар уй жойлар архитектураси, жамоат бинолари архитектураси, саноат бинолари архитектураси, ландшафт архитектураси, архитектура тарихи, шаҳарсозлик, меъморий ёдгориликлар, архитектуранинг ижтимоий асослари, бино ва иншоотлар типологияси, архитектуравий графика, лойihalаш, интерьер, таъмирлаш, қайта тиклаш, компьютерда лойihalаш, архитектуравий композиция.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази



Директор Б.Х.Рахимов

2014 йил « 30 » субар

Тошкент архитектура-қурилиш институти



Ректор Низомов Т.А.

2014 йил « 25 » субар

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:



«Давархитектқурилиш» кўмитаси
Раис ўринбосари М.И.Шодиев

2014 йил « 28 » субар

М.Ў.



Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти

Ректор С.И.Ахмедов

2014 йил « 28 » субар

М.Ў.





«Ўзшахарсозлик ЛИТИ» ДУК
Директори Б.У.Абдуллаев

2014 йил « 27 » субар





























М.Ў.

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА
СТАНДАРТИЛАСHTIRISH, DAVLAT
HAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
XABOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари
Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари

Ижодий гуруҳ раиси	А.А. Тўлаганов	Ўқув ишлари бўйича проректор	
Ижодий гуруҳ раиси ўринбосари	М.К. Мирзаев	Кафедра мудири	

Ижодий гуруҳ аъзолари

T/p	Ўқув фанлари (курс-лар)нинг номи	Таянч ОТМдан		Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан	
		Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо	Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
3.00	Умумқасбий фанлар				
3.01	Архитектуравий ашёшунослик	Самигов Н.А., т.ф.д., проф.		Негматов З.Н., т.ф.н., доц.	
3.02	Чизма геометрия	Мирхамидов Ж.Х., т.ф.д., проф.		Узоқов Ш.К.	
3.03	Архитектуравий графика	Иногамов Б.И., арх. ном., доц.		Кўшмонов Т.Ф.	
3.04	Архитектуравий лойиҳалаш ва композиция асослари	Маматмусаев Т.Ш., арх. ном., доц.		Кўшмонов Т.Ф.	
3.05	Турар жой ва жамоат бинолари типологияси	Абдурахмонов Й.И. доц.		Хидиров. М.М., арх.ф.н., доц.	
3.06	Санъат, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи	Маматмусаев Т.Ш., арх.ном., доц.		Кўшмонов Т.Ф.	
3.07	Транспорт ва инженерлик ободонлаштириш	Мирзаев М.К., арх.ном., доц.		Худойбердиев А.Х., т.ф.н., доц.	
3.08	Архитектуравий лойиҳалаш	Юнусов Ш.Х., арх.н., доц.		Хидиров. М.М., арх.ф.н., доц.	
3.09	Газ ва иссиқлик таъминоти	Буриев Э., т.ф.н., доц.		Махмудов Р., т.ф.н., доц.	
3.10	Сув таъминоти ва канализация	Бўриев Э., т.ф.н., доц.		Жўраев О.Ж., т.ф.н., доц.	
3.11	Қаламтасвир, рангтасвир ва хайкалгарошлик	Нозилов Д.А., арх.док., проф.		Ёркулов Т.Е.	
3.12	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси	Махкамов С.М., т.ф.н., доц.		Кондратьев В.А., т.ф.н., доц.	
3.13	Ўзбекистон истиклол йиллари меъморчилиги	Маматмусаев Т.Ш., арх. ном., доц.		Кўшматов.Т.Ф.	
3.14	Қурилиш жараёнлари технологияси	Юсупов Х.И., т.ф.н., доц.		Кондратьев В.А., т.ф.н., доц.	

3.15	Курилиш конструкцияси	Низомов Ш.Р., т.ф.н., проф.		Тўлақов Э.С., т.ф.н., доц.	
3.16	Тармоқ иқтисодиёти ва менеджмент	Ёғоров В.У., т.ф.н., доц.		Бўронов О.Б., И.ф.н., доц.	
4.00	Ихтисослик фанлар				
4.01	Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш	Умаров. М.У., арх. ном., доц.		Хидиров. М.М., арх.ф.н., доц.	
4.02	Агросаноат мажмуаси	Содиқова М.А., доц.		Хидиров. М.М., арх.ф.н., доц.	
4.03	Турар жой тумани	Мирзаев М.К., арх.н., доц.		Хидиров. М.М. арх.ф.н., доц.	
4.04	Шахарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси	Исомухамедова. Д.У., доц.		Хидиров. М.М., арх.ф.н., доц.	

Донишмандларнинг исми-шарифи

№	Исми-шарифи	Дарғазаси	Илоҳ
1	Тўлақов Э.С.	Тўлақов Э.С.	М.М.
2	Бўронов О.Б.	Бўронов О.Б.	М.М.
3	Умаров М.У.	Умаров М.У.	М.М.
4	Содиқова М.А.	Содиқова М.А.	М.М.
5	Мирзаев М.К.	Мирзаев М.К.	М.М.
6	Исомухамедова Д.У.	Исомухамедова Д.У.	М.М.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест
марказида экспертизадан ўтказилди.


Директор  Б. Исмаилов



М.Ў.

2014 йил « 19 » феврал

Эксперт гуруҳлари аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Раҳимов Шароф Матмуратович	УрДУ "Бунёдчи ва архитектура" маркази си доираси	
Балтаев Абдусамит	СамДУда доцент, архитектура қозғоғчи	
Эмомалев Рустам	ЎзДУ Архитектура маркази раиси, доцент	
Шарифов З.З.	ЎТМ б.и.и.и.	

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГА
СТАНДАРТИЛАСHTИРИШ, ДАВЛАТ
КАЗОРАТИНИ МУВОФИҚЛАСHTИРИШ ВА
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ЎРГАТТИРИШ БУШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
253-сонли буйруғи асосида Тошкент архитектура-қурилиш институтида
кайта ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув
режаларининг турдош ОТМлари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“28” январ 2014 йил

